




XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

10 (116)-сон, 2006 йил 8 март

Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги

Ассалому алайкум, мухтарам онахонлар, кадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Она диёримиз узра баҳор нафаси кеза бошлаган мана шу ёруғ кунларда сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март - меҳр-муҳаббат ва нафосат байрами билан сямимий қутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Биз бетакрор юртимиз, гўзал ўлкамиз, барчани ўзига мафтун этадиган фусункор табиатимизни аёлларимизга хос бўлган қалб саховати, ҳаё ва ифбат, вафо ва садоқат тўйғуси билан, сабр-бардош ва меҳр-мурувват фазилатлари билан узвий боғлиқ ҳолда, буларни Оллоҳнинг ўзи бизга берган тенгсиз ва ҳосиятли неъматлар, деб тасаввур қилишимиз табиийдир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Чиндан ҳам, Яратганининг буюк ва беқиёс мўъжизаси бўлмиш аёл зотини таърифлаш ва мадҳ этиш учун ҳар қандай ёрқин тимсол ва ташбеҳлар камлик қилади.

Аёл деганда, кўз олдимизда авваламбор азиз ва мукаррам Она сиймоси намоён бўлади. Барчамизни юраги остида ўстириб дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, ўзининг оқ сути, меҳр-муҳаббати билан қалбларимизга олижаноб инсоний тўйғуларни сингдирган мунис оналаримизга ҳар қанча таъзим қилсак, уларни ҳар қанча улуғласак, арзийди, албатта.

Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг қайси жабҳасини олмайлик - бу давлат ва жамият қурилиши ёки ишлаб чиқариш тармоқлари, илм-фан, маданият ва тиббиёт соҳаси бўладими, айниқса, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, миллий урф-одат ва қадриятларимизни сақлаш бўладими, оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида меҳр-оқибат, соғлом турмуш тарзи, ҳамжихатлик муҳитини муостаҳкамлаш бўладими - буларнинг барчасида сиз, мухтарам опа-сингилларимизнинг қандай жон қуйдириб, фидокорона хизмат қилганлигини халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Шу маънода, ҳеч шубҳасиз, азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг бош майдонида қад қўтарган, ўзида бахтиёр она сиймосини муҳасам этган янги, муаззам ёдгорлик мажмуғига «Мустақиллик ва эзгулик монументи» деб ном берганимиз ҳам қалбимиз тўрида аёл зотига бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиром, таъзим ва ташаққуримизнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Азиз опа-сингиллар!

Мамлакатимизда 2006 йилга «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб ном беришимиз муносабати билан биз ўз олдимизга қўйган муҳим ва улкан вазифалар, авваламбор халқимизнинг ҳаёт даражасини янги босқичга кўтариш, бунинг учун мавжуд барча салоҳият ва имкониятларни ишга солиш, бир ёқадан бош чиқариб, социал ва ижтимоий муаммоларни ечишга қаратилгани ҳаммамизга яхши аён, деб ўйлайман.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз аёлларимизнинг жамиятимиздаги нуфузи ва маънавиятини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, хотин-қизлар учун, айниқса қишлоқ жойларда янги-янги иш ўринлари яратиш, биринчи галда хонадон бекаларига дуч келадиган уй-жой ва коммунал хизматлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича яна кўп иш қилишимиз лозимлигини, бу борада заҳматқаш ва камтарин опа-сингилларимиз олдида қарздор эканлигимизни ҳам ўзимиз яхши тасаввур қиламиз.

Яқинда қабул қилинган шифокорлар ва ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қарорлар, тadbirkорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини, касаначилик фаолиятини ривожлантириш учун тўғдириб берилган қулайлик ва имтиёзлар, ўйлайманки, ана шу йўлда янги амалий қадамлар бўлиб хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, шуни таъкидламоқчиманки, биз бундан буён ҳам аёлларимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, уларнинг ақл-заковати, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

Қадрили опа-сингилларим!

Барчангизни гўзал айёмингиз билан яна бир бор чин қалбимдан мубораққод этаман.

Толеингиз баланд, ризқи насибангиз зиёда, гўзаллик ва меҳр-муҳаббат доим сизга ёр бўлсин!

Оилангизнинг бахту саодатини, фарзандларингизнинг қамолини кўриш, ширин-шакар набираларингиз бешгини тебратиш ҳар бирингизга насиб этсин!

Хонадонларингиздан файзу барака аримасин!

Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Сиёсий фаоллик ислоҳотларни жадаллаштиришнинг муҳим шартидир

деган қарорга келишди O'zLiDePнинг Андижон вилоят ва шаҳар кенгашлари кенгайтирилган қўшма сайёр мажлиси иштирокчилари

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ажуларни ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида белгилаб берилган вазифалар ҳамда 24 февраль кuni бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисидаги Президент нуқтаида кўрсатиб берилган камчиликлар ҳар биримизни янада фаоллик кўрсатишга, атрофимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан сезгирлик билан муносабатда бўлишга ундамоқда. Ушбу мажлислардаги маъруза ва нутқ халқ турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодий эркинлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkорликни ривожлантириш, жойларда янги иш ўринлари яратиш, парламент фаолиятини такомиллаштириш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилдики, бунда чуқур маъно бор.

Ўз мухбиримиз

Олий даражадаги машваратда ўртага қўйилган устувор вазифалар O'zLiDeP Андижон вилоят ва шаҳар кенгашларининг 2006 йил 4 мартда бўлиб ўтган кенгайтирилган қўшма сайёр мажлисида атрофлик муҳокама қилинди.

Бўлиб ўтган ушбу йиғинда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, сенаторлар, халқ депутатлари Андижон вилоят ва шаҳар кенгашларининг депутатлари, туман партия кенгашлари ва бошланғич ташкилотларнинг раҳбарлари, тadbirkорлар, фермерлар, тиббиёт ходимлари иштирок этишди. Тadbirkорлар Ортбошимизнинг Вазирлар Маҳкамаси маж-

лисидаги маърузаси ва Сенатда сўзлаган нутқининг мазмун-моҳияти, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, парламент фаолиятини такомиллаштириш, тadbirkорлик ва фермерлик ҳаракати ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш, кичик бизнесни янада ривожлантириш юзасидан O'zLiDeP тузилмалари фаоллик ҳамда ижтимоий-сиёсий таъсирини ошириш масалалари хусусида сўз юритилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари партиянинг парламентдаги фракцияси фаолияти, тadbirkорлик ва фермерликни янада ривожлантиришга оид қонунлар ҳамда янги қонун лойиҳалари ҳақида ахборот беришди.

Давоми 2-саҳифада.

Узоқ ва яқин хорижда

Болвия
Назорат пакети — давлат қўлига



Янги ҳукумат етакчи энергетика корхоналари устидан давлат назоратини қисман тиклайдиган бўлаётди. Энергетика корхоналари 1995-1997

йилларда хусусийлаштирилган эди. Мамлакат вице-президенти Альваро Гарсиа Линера сешанба кuni Ла-Пасда баёнот бериб, янги ҳукумат томонидан қабул қилинган Боливия миллий ривожланиш режасига мувофиқ, ўнга йirik корхона давлат назоратига олинишини айтди.

Альваро Гарсиа Линера изох беришича, беш йилга мўлжалланган дастур учта асосий омилни кўзда тутди: ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва бандлигини ўсиши, аҳоли аксарият қисми манфаати йўлида ижтимоий дастурлар ҳамда молиявий-иқтисодий барқарорлик. Бешйиллик доирасида 90-йилларда хусусийлаштирилган корхоналарнинг акциялари устидан назоратни яна қўлга олиш кўзда тутилган. Ана шу мақсадда давлат хусусий мулк эгаларидан акцияларни сотиб олишни мўлжалламоқда, деди у.

Ҳозирги пайтда акцияларнинг 47,5 фоизи хусусий капитал қўлида, 2,5 фоизи эса мазкур компанияларнинг ходимларига тегишлидир.

Япония
Қарзни қайтариш вақти келди



Жаҳондаги энг йirik автомобиль ишлаб чиқариш компанияси - «Женерал моторз» (GM) ўзининг 17,4 фоизни ташкил этадиган ва тахминан 2 млрд. доллар қийматта эга бўлган акциялар улушини Япониянинг Suzuki компаниясига сотишга қарор қилди.

Компаниянинг бош ижрочи директори Осаму Сузуки матбуот анжуманида айтишига қараганда, бундай кадам GM билан шерикчилик муносабати тўхтатилганини билдирмайдди. «GM узоқ вақт бизни қўллаб-қувватлаб келди, эндиликда эса унга ёрдам беришимиз керак бўлиб қолди», — деди у.

Япония OAB сешанба кuni ёзишича, Америка автогиганти бундай кадам қўйишга ўтган йили кўрган катта молиявий зарари туфайли нақд пул етишмай қолгани боис мажбур бўлди. Ушанда компания камомади 8 млрд. 600 млн. долларни ташкил этган эди.

GM Suzukiнинг 3 фоз акцияларини ўзида сақлаб қолиб, мазкур компания акциядорлари рўйхатида биринчи ўриндан еттинчи ўринга тушиб кетди.

Россия
Темирўлларга харидорлар кўп



«Саноат инвесторлари» гуруҳи Эстония темир йўллари эгаси хисобланган Eesti Raudtee (ER) компаниясини сотиб олиш имкониятларини кўриб чиқаришга қарар қилди.

«Коммерсантъ» газетаси душанба кuni ёзишига қараганда, темир йўллари сотиб олишга Финляндиянинг VR компанияси, Эстония ҳукумати ва Таллин порти ҳам қизиқиш билдирмоқда. Шунингдек, Eesti Raudtee акцияларининг назорат пакетига немисларнинг Deutsche Bahn темир йўл компанияси ҳам талабгор бўлиб турибди.

Тузилиши мумкин бўлган битим қиймати «Саноат инвесторлари»да тилга олишга тўғри йўқ. Аммо гап «юз миллионлар доллар» ҳақида бораётганини таъкидлаб ўтишга тўғри. Мазкур гуруҳ ана шу акцияларни Германиянинг Transcage консалтинг компанияси билан ҳамкорликда сотиб олишни режалаштирмоқда. 2005 йили ER компанияси 44,25 млн. тонна юк ташиди. Шундан 90 фоизи Россияга тегишлидир. Компания акцияларининг назорат пакетини сотиши ҳақида йил бошидаёқ маълум қилган эди.

Грант-шартномалар имзоланди

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Япония ҳукуматининг кичик ижтимоий лойиҳаларга беғараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида грант-шартномалари имзоланди.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»га бағишланган ушбу грантларнинг умумий қиймати сал кам 404 минг АҚШ долларидан иборат. Мазкур маблағ Сирдарё, Фарғона, Бухоро вилоятларидаги асосан айрим умумий ўрта таълим мактаблари, шифо масканлари ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари-

ни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга йўналтирилди.

Грант-шартномаларни имзолаш маросимида Япониянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото иштирок этди.

(ЎЗА)

Жоним, онажоним

Тошкент шаҳридаги Офицерлар уйида Ўзбекистон Мудофаа вазирлигига қарашли мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг 8-март - Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган аънавий мусиқа фестивали бўлиб ўтди.

1999 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур фестиваль бу гал «Жоним, онажоним» мавзусига бағишланди. Унда юз нафардан зиёд кичкинтой она, Ватан ва истиқлолимизга аталган куй-қўшиқлар, рақс ва саҳна кўринишларини намойиш этди. Офицерлар саройи болаларининг байрам шодиёналарига тўлди. Фарзандларининг саҳнадаги чиқаришларини ҳаяжон билан кузатиб ўтирган томошабинлардан бири — Мархабо Мамажонова ўз кувончини яшириб туролмади:

— Қизим Нилуфар рақс тушишни жуда яхши қўради, — деди у. — Лекин унинг боғча ёшида мана

шундай катта саҳнага чиқишини тасаввур ҳам қилмаган эдим. Бугун саҳнадаги дадил ҳаракатларини кўриб, жуда қувониб кетдим. Она учун бундан ортқ байрам совғаси бўлмаса керак! Буларнинг барчаси мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган улкан ишларнинг самараларидандир.

Фестивалда вазирлик тасарруфидидаги 4-болалар боғчаси кичкинтойлар биринчи ўринни эгаллади.

Жасур КЕНГБОВ, ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 7 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	896,41
1 Англия фунт стерлинги	2115,68
1 Дания кронаси	194,64
1 БАА дирҳами	327,54
1 АҚШ доллари	1202,91

1 Миср фунти	210,12
1 Исландия кронаси	18,26
1 Канада доллари	1059,18
1 Хитой юани	149,67
1 Малайзия ринггити	324,60

1 Польша злотийси	381,26
1 СДР	1733,80
1 Туркия лираси	922,62
1 Швейцария франки	930,18
1 ЕВРО	1451,79

10 Жанубий Корея вони	12,36
10 Япония иенаси	102,87
1 Россия рубли	43,07
1 Украина гривнаси	238,20

Сиёсий фаоллик ислохотларни жадаллаштиришнинг муҳим шартидир

Давоми. Бошланғич 1-саноқда.


— Мамлакатимиз раҳбари ўрта қатлам вакиллари, яъни тadbirkорлар, ишбилармонлар ва фермерлар истиқболга катта ишонч билан қаратапти. Бу, албатта, бежиз эмас. 2005 йил кичик бизнес ва хусусий тadbirkорликни ривожлантириш борасида туб бурилиш йили бўлди, дейиш учун барча асослар бор. Янги яратилган иш ўринларининг 85 фоизи кичик бизнес ҳиссасига тўғри келган бўлса, пахта хом ашёсининг 66 фоизи, ғаланинг 55 фоиздан ортиғи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилди. Зеро, ўз кучи ва имкониятлари таяниб иш юритаётган тadbirkорлик субъектларининг истиқболи порлок. Юртбошимиз таъкидлаганидек, улар бозор ислохотларини чуқурлаштиришдан, мамлакатнинг барқарор ривожланишидан ҳаммадан кўпроқ манфаатдордирлар, — деди О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси М. М. Тешабоев ўз маърузасида. — Тadbirkорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси давлат ва жамият тизимини янгилаш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш учун масъул сиёсий куч сифатида Президентнинг Вазирилари Маҳаммаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишларни тўла қўллаб-қувватлайди. Бинобарин, эндиги асосий эътибор аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодиётни энгиллаштириш, кичик ва хусусий бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш учун барча имкониятлардан фойдаланишга қаратилиши лозим. Партияимизнинг гоя ва мақсадларига мос бўлган ушбу вазифаларни амалга ошириш йўлида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз, барча бўғинлардаги бошланғич ташкилотлар, партия фаоллари яқинлашган ҳаракат қиладилар ҳамда омма ўртасида етакчи сиёсий кучга айланишлари, деб ишонамиз.

Президент маърузасида баён қилинган фикр-мулоҳазалар, ҳулоса ва тавсияларни андижонлик меҳнатқашлар онгига етказиш, шунингдек, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган сайёр

мажлиси 2006 йил 18 февраль қароридан келиб чиқадиган дастурий вазифаларни амалга ошириш юзасидан барча туманларда туркум тadbirkорлар ўтказишга келишиб олинди. Таъкидландики, Президентимизнинг тadbirkорликни қўллаб-қувватлашга доир фармон ва қарорлари ижроси юзасидан жойларда мониторинг кузатувларини ташкил этиш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш, маҳаллий бошқарув идоралари билан биргаликда уларнинг ҳал этилишига эришиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, касаначиликни ривожлантириш, йирик sanoat корхоналари билан кооперацияни янада кенгайтириш асосида янги иш ўринлари яратиш, аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларни тadbirkорлик фаолиятига кенг жалб этиш, "Сиёсий таълим марказлари" ишини янада тақомиллаштириш ҳозирги кунда вилоят ва шаҳар партия кенгашлари олдида турган энг долзарб вазифалардир.

Маъруза юзасидан музокараларда сўзга чиққан нотиклар Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган вазифалар ижроси учун партиянинг ҳар бир аъзоси масъул эканлигини, бу борада қатъият ва фаоллик билан иш олиб бориш лозимлигини, Сенатда тилга олинган камчиликлар ҳолисини, маҳаллий кенгашлар депутатлари ўз ваколат ва салоҳиятларидан етарлича фойдаланмаётганлигини таъкидладилар.

— Мен давлатимиз раҳбарининг фермер хўжаликларини рағбатлантиришга оид қарорлар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги фикрларига тўлиқ қўшилиман, — деди Улуғнор туманидаги "Ишонч" фермер хўжалиги раҳбари, сенатор Султонбой Жўрабоев. — Бундай дейишимизнинг сабаби бор. Биргина бизнинг туманимизда ширкат хўжаликлари ўрнида 690 та фермер хўжалиги ташкил этилган, маъсуми зарар билан яқунлаш холларига чек қўйилди. Энг муҳими, фермерлар ва улар кўл остида ишлаётганларнинг турмуш даражаси яшилди. Халол меҳнатнинг нони ширин. Бинобарин, биз фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, иқтисодий ислохотларни



янада чуқурлаштириш борасида Президентимизга елкадош бўлишимиз керак.

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси, "АУДТ" хусусий фирмаси раҳбари Қодиржон Каримовнинг "Ёш табиатушнослар" тўғрисидаги ташкил этиш ҳамда фермер хўжаликлари уюшмаси қосида урғучиликка иқтисослашган марказ тузиш ташаббуси йўналганлар томонидан қизгин қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси, "Гулсум" фермер хўжалиги раҳбари Тохиржон Толипов, "Андижонкабель" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси раҳбари, сенатор Еркинбек Одилов, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасининг вилоят филиали раҳбари Уллубек Патидинов сўзга чиқиб, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш учун барча имкониятларни ишга солиш зарурлигини эътироф этдилар.

О'zLiDeP вилоят кенгаши раҳбарияти партия фаоллари бошлаган қўйидаги ташаббусларини маълум қилди: "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб номланган жорий йилда партия аъзолари бўлган тadbirkорларнинг сай-ҳаракати тўғрисида вилоят тиббиёт муассасалари жами 10 комплект УЗИ аппарати билан таъминланади.

Андижон вилоятида касаначилик меҳнатини ташкил этишга қўмақлашлари ҳамда қўшимча равишда 500 та иш ўрни яратилади.

Олтинқўл туманидаги "Чаққон" маҳалласи фуқаролар йиғини аҳолисини артезиан

қудуқлари қуриш орқали ичимлик сув билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатлади.

Қўшма мажлис доирасида О'zLiDeP Андижон вилоят кенгашининг 2005 йилдаги фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботи тингланди. Ҳисобот мувофиқ раҳбарияти ташкил этиш ҳамда фермер хўжаликлари уюшмаси қосида урғучиликка иқтисослашган марказ тузиш ташаббуси йўналганлар томонидан қизгин қўллаб-қувватланди.

3 март куни О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раҳбариятининг Андижон вилоятининг барча даражадаги халқ депутатлари кенгашларида фаолият юритаётган депутатлик гуруҳлари раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди. Бу машварада депутатлик гуруҳлари фаолиятини кўчатириш, О'zLiDePнинг Олий Мажлисдаги фракцияси депутатлари ҳамда сенаторлар билан ўзаро алоқани мустақамлаш, парламентнинг қўшма мажлиси палатаси билан ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган қарор қабул қилинди. Сенатнинг янги мажлисида давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенат аъзолари зиммасига алоқани мустақамлаш ҳамда қўшимча равишда 500 та иш ўрни яратилади.

Олтинқўл туманидаги "Чаққон" маҳалласи фуқаролар йиғини аҳолисини артезиан

билан чиқишлари лозим. Сайёр мажлисида вилоятдаги партия депутатлик гуруҳларининг фаолияти ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда жиддий таҳлил қилинди, гуруҳ раҳбарлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда сенаторларнинг ахборотлари тингланди.

Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси Андижон вилояти филиали кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раҳбарияти катнашди. Ушбу йиғилишида уюшма филиалининг 2005 йил фаолияти яқунлари ва 2006 йил ҳаракат дастури кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Маълумки, ҳар қандай партиянинг негизи бошланғич ташкилотлардир. Шу боис О'zLiDeP қўйи ташкилотлар фаолиятини тақомиллаштиришга эътибор қаратмоқда. Айни кунда вилоятда 526 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар ўз атрофида 13258 нафар аъзосини жалпштирган. Тadbirkорлар бошланғич партия ташкилотлари маъсулиятини ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш, аъзоларнинг сифат таркибини яхшилаш юзасидан муҳим тақлифлар ўртага ташланди, бу борада ўзибуларчиликка йўл қўётган баъзи туман ва шаҳар партия кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари шайнига танқидий фикрлар билдирилди.

Давлатимиз раҳбари маърузасида илгари сурилган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, Андижон вилоят ва шаҳар партия кенгашларининг 2006 йилга мўлжалланган "Ҳаракат дастурлари"га, маҳаллий депутатлик гуруҳлари иш режаларига ўзгартириш ва қўшимчалар қилиш, жойларда мониторинг кузатувларини олиб бориш, мавжуд муаммолар ечимини бўйича ҳокимият органларига тақлифлар қилиш, маҳаллий кенгашларнинг депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган қарор қабул қилинди. Сенатнинг янги мажлисида давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенат аъзолари зиммасига алоқани мустақамлаш ҳамда қўшимча равишда 500 та иш ўрни яратилади.

Сайёр қўшма мажлисида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Юксак ишонч — катта масъулият

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг партия фаоллари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳлари аъзолари иштирокида кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқи ва унда кўтарилган масалалардан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси М.М.Тешабоев маъруза қилди.

Ўз муҳбиримиз

Кескин баҳс руҳида бўлиб ўтган йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2005 йилдаги умумий фаолияти кўриб чиқилиб, фракциянинг Ўзбекистон Республикаси Президентини Респ. Каримовнинг Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган ҳулосалар асосидаги вазифалари белгилаб олинди.

Парламентнинг ўтган бир йил давомидаги иши, Қонунчилик палатаси депутатларининг профессионал асосидаги фаолияти икки палатали парламент тизимига ўтишининг амалда тўғри ва самарали эканлиги, пишиқ ва пухта қонунларни қабул қилинганда, айниқса, манфаатлар уйғунлиги ва мутаносиблигини таъминлаш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга, мамлакат Президентини маърузасида парламентнинг юқори палатаси шайнига айтилган нуқсон ва камчиликлар Қонунчилик палатаси фаолиятига ҳам тегишли эканлигини қайд этилди. Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини бошлаган пайт, яъни, парламент палаталарининг 2005 йил 28 январдаги қўшма йиғилишида мамлакат Президентини маърузасида мам-

лакатни модернизация ва ислох қилишнинг асосий йўналишлари аниқ кўрсатилган, ҳокимият тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат вазифалар белгилаб олинган эди. Хусусан, Қонунчилик палатаси ушбу стратегик вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятини чуқур ўйлаб амалга ошириши лозим эди.

Аммо, ўтган йил давомидаги ишлар сарҳисоби шуни яққол кўрсатдики, Қонунчилик палатаси амалда ўз салоҳиятини тўлиқ намоён эта олмади. Депутатларнинг фаолияти Вазирилари Маҳаммаси ва бошқа қонун ташаббуси субъектлари томонидан киритилган қонун лойиҳалари устида ишлаш билан чекланиб қолганлиги, бу эса ўз навбатида қўйи палатанинг амалда кучли ва мустақил ҳокимият тармоғи бўлишга интилмаётгани, жамият олдида турган муҳим масалалар борасида ўз позициясига эга бўлишга ҳаракат қилмаётганидан далolat беради. Унинг фаолиятида оқумга қараб сузиш, масъулиятдан ва

нинг мавжуд эмаслиги, депутатлик корпуси томонидан бирон-бир шахсий қўнчилик ташаббуси йўқлиги, кўпчилиги эса келиб тушаётган қонунлар лойиҳаларига ўз фикрини қўйишга интиланлиги билан чекланишига сабаб бўлган. Бу ҳолат ўз навбатида Сенатга киритилган қонун лойиҳалари ва қабул қилинган қарорларнинг сифатига таъсир кўрсатаяпти.

Жамиятимиз улкан умидлар боғлаган қўйи палата фаолияти, ўтган ҳафтада сайловчилар билан бўлган учрашувлар кўрсатганидек, аҳоли ўртасида ўз оёғи-этиборини ҳали-бери қозона олмаяпти.

Йиғилишда Олий Мажлис Сенати аъзоси Х.Ибрагимов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари А.Каримов, депутатлар Р.Охунов, Х.Ҳакимов, К.Жумамуротова, И.Насриев, А.Алимовлар сўзга чиқдилар.

Йиғилиш иштирокчилари Қонунчилик палатасида энг катта партия фракцияси бўлиб ҳисобланса-да, юзага келган вазиятга етарли таъсир кўрсата олмагани ва палата фаолиятида ўз ўрни ҳамда мавқеига эриша олмаганлиги юзасидан танқидий мулоҳазалар билдирилди.

Қайд этиб ўтилдики, бундай вазиятда фракция Қонунчилик палатасида шакланган Демократик блокнинг имкониятларидан фойдаланиб, жамиятнинг модернизациялаш ва ислох этишда амалга оширилаётган кенг микёсдаги жараёнларнинг қўнчилик асослари шакллантириш ишидаги қўйи палатанинг муҳим бўғини сифатида шаклланишида биринчи қаторларда бўлиши лозим.

Юксак ишонч — катта масъулият

Юксак ишонч — катта масъулият

Шунингдек, Қонунчилик па-

латасининг айрим қўмиталари фаолияти, Олий Мажлис палатаси ўртасида шаклланаётган ҳамкорлик механизми, унинг жамоатчилик билан ишлаши, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари билан ўзаро муносабатлар, парламентнинг назорат таҳлил фаолияти ва парламент сўрови каби имкониятлардан фойдаланишдаги камчиликлар танқидий таҳлил этилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Хусусан, ЎzLiDePнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракциясининг иш режаларини қайта кўриб чиқиш ва барча даражадаги депутатлар корпуси билан мавжуд имкониятларни уйғунлиги ва самарасини ошириш борасидаги ҳамкорчилик фаолиятини бўйича ҳаракат режасини ишлаб чиқиш, худудий партия кенгашлари имкониятларидан фойдаланган ҳолда муҳим аҳамиятга эга бўлган қонунлар лойиҳаларининг муҳокамаларига жамоатчилик ва аҳолининг турли қатламларини кенгрок жалб қилиш механизмининг жорий этилиши, фракция олдида қўйилган вазифалар юзасидан партия III съезди қарорларининг ижросини таъминлашга қаратилган, шунингдек амалдаги қўнчилик доирасида ўрта синф манфаатларини янада мустақамлаш, тadbirkорликни кенгрок ривожлантиришга қаратилган қонунлар қабул қилинишига эришиш орқали жамиятнинг демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этишга муносив ҳисса қўйишга эришиш лозимлиги тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

O'zLiDeP
Матбуот хизмати
хабар қилади

Хоразм. Партиянинг Хонқа туман кенгаши ташаббуси билан Дурвадик қишлоқ фуқаролар йиғинида ёшларда тadbirkорлик кўникмаларини шакллантиришга бағишланган тadbirkор ўтказилди. Унга тумандаги қатор мактабларнинг фаол ўқувчилари жалб қилинди ва касаначилик тарихи, Президент томонидан яқинда қабул қилинган Фармоннинг мазмуни-моҳияти, бугунги ўзбек миллий хунармандчилиги санъати ривожига мазкур ҳужжатнинг аҳамияти ҳақида фикр юритилди.

Тadbirkор давонида Дурвадик маҳалласида истиқомат қилувчи тadbirkор Мастура Бердиеваннинг касаначилик фаолияти ҳамда миллий тивуқчилик, кўраминчилик, зардўзлик йўналишида олиб бораётган ишлари, бу борадаги мавжуд ютуқ ва муаммолари муҳокама қилинди.

Мактаб таълим дастурига киритилган меҳнат дарсларини бевосита касаначилик билан шуғулланувчи тadbirkорнинг хонадонда амалий машғулот сифатида ўтказиш ҳақидаги тақлиф билдирилди ва тажриба сифатида шундай қилиб кўрилди ҳам.

Фарғона. Вилоят кенгаши қосидаги Сиёсий таълим марказида "Қишлоқларда бозор ислохотлари ва иқтисодий ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳамда мамлакатда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш соҳасидаги партия дастурларини амалга оширишда депутатлик гуруҳларининг иштироки" мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда вилоят кенгаши депутатлари, шаҳар ва туман кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, партия худудий кенгашлари масъул ходимлари катнашдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги "Йирик sanoat корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони кенг муҳокама қилинди. Кун тартибига қўйилган масала юзасидан партия вилоят кенгаши раиси Р. Камоллов, Сиёсий таълим маркази раҳбари А. Тешабоев ва Фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят филиали раҳбари О. Ибрагимовнинг маърузалари тингланди.

Тadbirkор иштирокчиларининг sanoat корхоналари ва уйда маҳсулот ишлаб чиқаруви ва хизмат кўрсатуви фуқароларнинг шериклиги (кооперациясини) мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ҳар бир туман, шаҳарда маҳаллий ҳокимликларнинг масъул вакиллари бошчилигида, туман (шаҳар) меҳнат бўлимлари масъул ходимлари ва йирик корхоналар раҳбарлари иштирокида ишчи комиссияларини ташкил этиш ҳақидаги тақлифи маъқулланди.

Сирдарё. Вилоят "Маънавият ва маърифат" марказида "Тadbirkорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва текширишлар тизимини тақомиллаштириш" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. О'zLiDeP вилоят кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг худудий бошқармаси, ИИБ ённинг хавфсизлиги ва солиқ бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзолари, партия фаоллари ва қатор мугасадди ташкилотларнинг вакиллари катнашдилар. Тadbirkор Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тadbirkорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва текширишлар тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг жойлардаги ижроси бўйича партия худудий кенгашлари томонидан амалга оширилаётган ишлар кенг муҳокама қилинди. Партия фракцияси томонидан қилинаётган ишлар тўғрисида депутат Фурқат Хотамов ахборот берди.

Кичик бизнес ва хусусий тadbirkорлик субъектлари фаолиятига назорат органлари томонидан ноқонуний аралашувлар ҳақида тушган шикоят хатлари ўрганилиб, бу каби текширишларга барҳам бериш борасида депутатлик гуруҳлари фаолиятини оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Навоий. О'zLiDeP дастурида ёшларга оид сиёсатини амалга ошириш, ўсиб келаётган авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, турли хил зарарли иллатлар, носоглом мафқуралар таъсиридан сақлаш, йигит ва қизлар онгига кучли ғоявий иммунитет, соғлом турмуш тарзи ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, ҳар томонлама қамол тошган, ғоявий етуқ, руҳан тетик фарзандларни ваъжа етказиш масалалари кенг ўрин берилган.

Шу мақсадда партия вилоят кенгаши ташаббуси билан Навбахор туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, ИИБ ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Жамиятнинг ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ечимини топишда О'zLiDePнинг маҳаллий ҳокимият органлари ва ННТлар билан ҳамкорлиги истиқболлари" мавзусида "давора суҳбати" бўлиб ўтди. Тadbirkор талаба ёшлар, партия фаоллари ва турли ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар. Мулоқот иштирокчилари ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими ва савиясини ошириш, уларнинг жамиятимизда ўтказилаётган ислохотлар жараёнидаги фаол иштирокини таъминлаш, ёшлар ҳаётида учраётган муаммоларни ўрганиш ва ечимини топиш, шунингдек, бу жараёнга маҳаллий ҳокимият органлари ва партия худудий кенгашларини кенг жалб қилиш масалаларига эътиборни қаратдилар. Тadbirkор ижтимоий кўникма маркази томонидан ишлаб чиқилган ёшларнинг бўш вақтларини мазмуний ташкил қилиш ва иш ўринлари яратиш, бандлик муаммолари ечимини топишга қаратилган тегишли тавсиялар берилди.

Тошкент шаҳри. Ҳозирги давр тиббиётининг янги ютуқларига таянган ҳолда дунёда илғор ўринларга интилаётган Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимининг ривожини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, узок умр кўришни таъминлаш масалаларига партия Дастурида катта эътибор қаратилган. Шунинг учун ҳам партия худудий кенгашлари томонидан бу борада қатор амалий чора-тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Қўнчинчи, партиянинг Сергели туман кенгаши ташаббуси билан "Саломатлик - туман бойлик" мавзусида тadbirkор ташкил қилинди. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»га бағишлаб ўтказилган мазкур анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси З. Убайдуллаев, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари М. Акрамова, партия фаоллари ва 80 нафар шифокор иштирок этдилар.

Тadbirkор "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастурининг аҳамияти ва бу борадаги партия олдида турган устувор вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

ТАДБИР

О'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

ШАҲАРЛАР

ДАВЛАТЛАР

ВОҚЕАЛАР

Ҳамма ҳам чемпион бўлавермайди

Истиклол туфайли ўзбек спорти қайта кашф этилди. Ўзбекистонлик спортчилар қўлга киритган ютуқлар мустақиллигимиз йилномасининг олтин саҳифасига муҳрланди, десак, муболаға бўлмас. Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда спорт умумдавлат, умуммиллат сиёсати даражасига кўтарилди

БУГУНГИ КУНДА БАРПО ЭТИЛГАН ВА ЭТИЛАЁТГАН БИР-БИРИДАН КЎРКАМ, МУҲТАШАМ СПОРТ МАЖМУАЛАРИ БУНИНГ ИСБОТИДИР. БИЗ БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ РАҲБАРИ БАҲРОМ АВАЗОВГА АНА ШУ ХУСУСДА ҚАТОР САВОЛЛАР БИЛАН МУРОЖААТ ЭТДИК.

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбири



2005 йилда жамғармамиз маблағи ҳисобидан вилоятдаги 8 та мактабда спорт зали, Шаҳрисабз шаҳридаги "Хисор" стадиони қошида спорт гимнастикаси зали қўрилди. Барча залларни зарур анжомлар билан таъминладик. Спорт заллари қуриш учун аҳоли зич яшайдиган чекка қишлоқларни танляймиз. Мақсадимиз - қишлоқ ёшларининг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун имкон яратиш, улар орасидан истеъдодларни кашф этиш. Утган йили қурилиш ва анжомлар учун жамғармамиз ҳисобидан 1 миллиард 150 миллион сўм маблағ сарфланди. Бироқ, спортни ривожлантириш нафақат бизнинг, балки барчанинги иши эканлигини унутмаслик керак. Очиги - баъзи туманларимизда спортга бўлган эътибор суст. Хали спорт залига эга бўлмаган мактаблар, стадионсиз қишлоқлар ҳам кўп. Худудларимизда ана шу масалаларга жиддийроқ эътибор қаратилсагина, сиз тилга олган муаммодан тезроқ узоқлашамиз.


— Полоник йигитнинг қонида бўлади, дейишди... — Гапингизда жон бор. Лекин тинимсиз машқлар натижасида маҳоратини ошириб бормаган, ўз устида тинимсиз ишламаган полвон курашда муваффақиятга эриша олмайди. Бугунги кунга келиб, кўпчилик мураббийларнинг ёши ўтиб қолди, айримлари эса вилоятимиздан кўчиб кетишди. Балки шунинг учун полвонларимиз қўлга киритаётган натижа унчалик самарали бўлаётганидир. Кураш эса тинимсиз машқни, муттасил маҳоратни ошириб боришни талаб этади. Шунга қарамай, айна пайтда вилоятда спортни ривожлантириш борасида катта ишлар бошланган. Ҳозирги кунда кураш тўғрисида очиб, улар...

— Қашқадарё — таниқли спортчиларни еттиштириб берган юрт. Бироқ, кейинги йилларда вилоят спортчиларининг кўлаги киритаётган ютуқлари кўзга кўриниб қолган. Шу хусусда нимага дея оласиз?

— Биз тенги йигитлар ёшиқда очик майдонларда, далаларда кураш тушиб, машқ қилганлар. Замонавий спорт мажмуасида шуғулланиш орзуси эди. Қарши Давлат университетидеги ўқиб юрган кезларимда, ташландик омборларда кураш зали очгандик. Эски тўшаклар кураш гиламлари ўрнига ўтаган. Аммо қалбимизда иштиёқ,

да. 2005 йилда жамғармамиз маблағи ҳисобидан вилоятдаги 8 та мактабда спорт зали, Шаҳрисабз шаҳридаги "Хисор" стадиони қошида спорт гимнастикаси зали қўрилди. Барча залларни зарур анжомлар билан таъминладик. Спорт заллари қуриш учун аҳоли зич яшайдиган чекка қишлоқларни танляймиз. Мақсадимиз - қишлоқ ёшларининг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун имкон яратиш, улар орасидан истеъдодларни кашф этиш. Утган йили қурилиш ва анжомлар учун жамғармамиз ҳисобидан 1 миллиард 150 миллион сўм маблағ сарфланди. Бироқ, спортни ривожлантириш нафақат бизнинг, балки барчанинги иши эканлигини унутмаслик керак. Очиги - баъзи туманларимизда спортга бўлган эътибор суст. Хали спорт залига эга бўлмаган мактаблар, стадионсиз қишлоқлар ҳам кўп. Худудларимизда ана шу масалаларга жиддийроқ эътибор қаратилсагина, сиз тилга олган муаммодан тезроқ узоқлашамиз.

— Полоник йигитнинг қонида бўлади, дейишди... — Гапингизда жон бор. Лекин тинимсиз машқлар натижасида маҳоратини ошириб бормаган, ўз устида тинимсиз ишламаган полвон курашда муваффақиятга эриша олмайди. Бугунги кунга келиб, кўпчилик мураббийларнинг ёши ўтиб қолди, айримлари эса вилоятимиздан кўчиб кетишди. Балки шунинг учун полвонларимиз қўлга киритаётган натижа унчалик самарали бўлаётганидир. Кураш эса тинимсиз машқни, муттасил маҳоратни ошириб боришни талаб этади. Шунга қарамай, айна пайтда вилоятда спортни ривожлантириш борасида катта ишлар бошланган. Ҳозирги кунда кураш тўғрисида очиб, улар...



— Полоник йигитнинг қонида бўлади, дейишди... — Гапингизда жон бор. Лекин тинимсиз машқлар натижасида маҳоратини ошириб бормаган, ўз устида тинимсиз ишламаган полвон курашда муваффақиятга эриша олмайди. Бугунги кунга келиб, кўпчилик мураббийларнинг ёши ўтиб қолди, айримлари эса вилоятимиздан кўчиб кетишди. Балки шунинг учун полвонларимиз қўлга киритаётган натижа унчалик самарали бўлаётганидир. Кураш эса тинимсиз машқни, муттасил маҳоратни ошириб боришни талаб этади. Шунга қарамай, айна пайтда вилоятда спортни ривожлантириш борасида катта ишлар бошланган. Ҳозирги кунда кураш тўғрисида очиб, улар...

— Полоник йигитнинг қонида бўлади, дейишди... — Гапингизда жон бор. Лекин тинимсиз машқлар натижасида маҳоратини ошириб бормаган, ўз устида тинимсиз ишламаган полвон курашда муваффақиятга эриша олмайди. Бугунги кунга келиб, кўпчилик мураббийларнинг ёши ўтиб қолди, айримлари эса вилоятимиздан кўчиб кетишди. Балки шунинг учун полвонларимиз қўлга киритаётган натижа унчалик самарали бўлаётганидир. Кураш эса тинимсиз машқни, муттасил маҳоратни ошириб боришни талаб этади. Шунга қарамай, айна пайтда вилоятда спортни ривожлантириш борасида катта ишлар бошланган. Ҳозирги кунда кураш тўғрисида очиб, улар...

— Полоник йигитнинг қонида бўлади, дейишди... — Гапингизда жон бор. Лекин тинимсиз машқлар натижасида маҳоратини ошириб бормаган, ўз устида тинимсиз ишламаган полвон курашда муваффақиятга эриша олмайди. Бугунги кунга келиб, кўпчилик мураббийларнинг ёши ўтиб қолди, айримлари эса вилоятимиздан кўчиб кетишди. Балки шунинг учун полвонларимиз қўлга киритаётган натижа унчалик самарали бўлаётганидир. Кураш эса тинимсиз машқни, муттасил маҳоратни ошириб боришни талаб этади. Шунга қарамай, айна пайтда вилоятда спортни ривожлантириш борасида катта ишлар бошланган. Ҳозирги кунда кураш тўғрисида очиб, улар...

— Полоник йигитнинг қонида бўлади, дейишди... — Гапингизда жон бор. Лекин тинимсиз машқлар натижасида маҳоратини ошириб бормаган, ўз устида тинимсиз ишламаган полвон курашда муваффақиятга эриша олмайди. Бугунги кунга келиб, кўпчилик мураббийларнинг ёши ўтиб қолди, айримлари эса вилоятимиздан кўчиб кетишди. Балки шунинг учун полвонларимиз қўлга киритаётган натижа унчалик самарали бўлаётганидир. Кураш эса тинимсиз машқни, муттасил маҳоратни ошириб боришни талаб этади. Шунга қарамай, айна пайтда вилоятда спортни ривожлантириш борасида катта ишлар бошланган. Ҳозирги кунда кураш тўғрисида очиб, улар...

Юртбошимизнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасини сурхондарёликлар катта қизиқиш билан ўқиб ўрганмоқдалар. Хусусий сектор вакиллари эришган ютуқлар таҳлил этилиб, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинмоқда.

Тўра БОБОЛОВ, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Айна пайтда Сурхондарё вилоятида 13 минг 993 та кичик бизнес субъекти фаолият юритмоқда. 48 минг 300 киши хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётди. Кичик бизнеснинг саноат ишлаб чиқаришидаги улу-

ши йил сайин ошмоқда, экспорт улуши 12 фоизни ташкил этапти. Воҳада тадбиркорликнинг бундай жадал суръатлар билан ривожланишида тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоялашга қаратилган Президент фармонла-

Тараққиётимиз тадбиркорлар қўлида

ри, амалдаги қонунларнинг қабул қилинганлиги, янги субъектларни рўйхатга олиш тизимининг соддалаштирилганлиги, асоссиз текширишларга чек қўйилгани муҳим роль ўйнамоқда. Шунингдек, тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам яхши самара бермоқда. Утган йили вилоятда кичик бизнес субъектларига 12 миллиард 277 миллион 100 минг сўм миқдорда кредит ажратилди. Бунинг эвазига 33 минг 505 киши иш ўрни билан таъминланди. Мавриди келганда шуни ҳам айтиш керакки, бу йил Сурхондарёда кичик бизнесни ривожлантириш учун янада қўлай шароит пайдо бўлди. Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсади-

да 2006 йил вилоятда 1 миллиард 280 миллион 500 минг сўм ажратилиши кўзда тутилмоқда. Умуман йил давомида 36 минг 290 киши иш билан таъминланди. Шундан 11 минг 674 та иш ўрни кичик корхона ва микрофирмаларда, 2 минг 504 таси оилавий тадбиркорлик ҳисобидан очилди. Айна пайтда вилоятга хориз инвестициясини киритишга алоҳида эътибор берилмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг замонавий хориз технологиясига эътибордини қондириш мақсадида ҳудудий бошқармамиз томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шаҳрида ўтказилаётган Халқаро технология ва усуналар кўргазмасида тадбиркорла-

ИҚТИСОДИЁТ

Президент Ислам Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси жойларда атрофлича ўрганилмоқда. Айниқса, мамлакатимиз зиёлиларининг бу борадаги самимий муносабатлари эътиборга лойиқдир.

Эл-юрт фаровонлиги йўлида

Абдурахим ХОЖИЕВ, Наманган муҳандислик-иқтисодий институтининг ректори

— Ҳар гал ишга отланаётганимда, теварак-атрофдаги ўзгаришларга назар солиб, мустақиллик давридаги қурилишлардан ҳайратланаман. Шаҳар, туман, вилоят, республика миқёсидаги бунёдкорлик ишларига эса нафақат халқимиз, балки хоризликлар ҳам қўйил қолишяпти. Яқинда институтимизга ташриф буюрган россиялик илмий ҳамкорларимиз ҳам рўй бераётган катта ўзгаришларни алоҳида таъкидлашди. Айниқса, меҳмонларга халқаро аҳамиятга эга бўлган Қамчиқ довонидан ўтган автомобиль йўлининг ишга туширилгани маъқул келибди. Дўстларимиз қисқа муддатда Ўзбекистонда тадбиркорликка кенг йўл очилгани, ишбилармонлик ҳаракати учун ҳамма шарт-шароит яратилганидан қувониди. Кўчаларни тўлдириб юрган Асака автомобиллари эндиликда Россия бозорларида ҳам серхаридор эканлигини айтишди.

Чиндан ҳам истиқлолнинг ўтган ўн тўрт йилда юртимизда бир неча ўн йилликка арзийдиган ютуқларга эришилди. Буни таълим соҳасида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Худудларнинг тараққиёти назарда тутилиб, зарур мутахассислар тайёрланадиган олий ўқув юртлири очилди. Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтининг Наманган филиали сифатида Юртбошимизнинг Фармони билан 1992 йил 15 мартда бизнинг олий ўқув даргоҳимиз иш бошлади.

Истиқлол тенгдоши бўлган институтимиз профессор-ўқитувчилари "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида бозор шароитига мос ҳар томонлама билимли, рақобатбардosh мутахассислар тайёрлашга интиломоқдалар.

Ўқув даргоҳимизда янги педагогик технологияларга таяниб, узлуксиз таълим тизими учун адабиётлар яратилди ҳамкасбларимиз фаол қатнашмоқдалар. Н. Сафаров, А. Муродов, А. Бурхонов, Д. Эгамбердиев каби ўқитувчиларимиз янги педагогик ва информацион технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш бўйича ТДТУ-да малака ортирдилар. Умуман, кейинги икки йилда мана шундай тарзда юз нафарга яқин ҳамкасбимиз мамлакатимиздаги ва хориздаги нуфузли олий ўқув юртлирида ўз билимларини оширди. 2004-2005 йиллари давомида юз номга яқин ўқув-усулвий қўлланмалар ва курсатмалар чоп этилди. Мамлакатимиздаги таянч олий ўқув даргоҳлари билан ҳамкорлик натижасида 200 дан ортиқ маъруза ва уларнинг электрон вариантлари тайёрланиб, институтнинг виртуал кутубхонасига қўйилди ва ўқув машғулотларида ишлатилаяпти. Биз талабаларни мустақил ишлашларига алоҳида эътибор қаратаёلمиз.

Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ўтган йил якунлари ва уларнинг илгаридаги вазифалар ҳақидаги маърузасида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жаҳаларида олиб борилаётган ислохотлар натижасида юртимиз обод бўлиб бораётгани, халқ фаровонлиги ошаётгани ва жамиятимизда тубдан янгиланишлар ўз бераётгани алоҳида таъкидланди. Айна пайтда ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар ҳам рўйроқ айтилди ҳамда жорий йилда ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Институтимиз профессор-ўқитувчилари, талабалар "Эришган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим" деган давватга жавобан тегишли тадбирлар белгилаб олдилар.

Сарҳисоб тар бир жамоа учун тараққиёт йўлини белгилаб беради. Ана шу маънода бизнинг ўқув юртимизда ҳам ўтган йили ўзига ҳос синос даври бўлди, десам, янглишмайман. Институтимизда ижтимоий-гуманитар, иқтисодий, тўқимачилик, пахтани дастлаб қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги йўналишлари бўйича 40 тага яқин тадқиқот олиб борилмақда. Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган 7 та лойиҳамиз бўйича ҳам изланишлар муваффақиятли давом этапти. Бундан ташқари, ўндан зиёд мавзу бўйича илмий тадқиқотлар ўзининг дастлабки самараларини берапти. Мустақиллик йилларида бир гуруҳ ҳамкасбларимиз ва шогирдларимиз Россия, Венгрия, Греция, Ҳиндистон, Германия, Франция, Швейцария каби ривожланган давлатлардаги нуфузли олий ўқув юртлирига бориб, илм-фан янгилликлари билан танишиб келдилар. Кейинги икки йилда бир киши фан доктори, уч киши эса фан номзоди диссертациясини ҳимоя қилди. Утган йил сентябридан бошлаб "Тамбус Таъсис дастури" асосида Грециянинг Пирей технология таълим ҳамда Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтлари ўртасида тузилган 378703 евро миқдордаги лойиҳада институтимиз олимлари ҳам қатнашяптилар.

Ўқув даргоҳида фойдаланилаётган талабалар турар жойи 1976 йили қуриб битказилган эди. Охириги мартта 2005 йили жорий таъмирланди. Ана шу жойда 50 млн. сўм сарфлаб, мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Барча қаватларда маданий-مائий шарт-шароит тубдан яхшиланди. Буларнинг ҳаммаси Юртбошимизнинг пойтахтдаги "Ешлик" талабалар шаҳарчасига ташрифи чоғида билдирган фикр-мулоҳазалари, тавсияларига амалий жавоб, деб ўйлайман.

Ислохотларни янада чуқурлаштириш Ватан равнақи-га хизмат қилади. Шу боис, бу жараёнда жамоамиз фаол қатнашмоқда. Биз барча соҳаларда тадбиркорликни янада ривожлантириб, ўтган йилгидан 60 млн. сўм кўп бюджетдан ташқари маблағ топиш ҳаракатимизда. Айна пайтда ажратилган ресурсларни имкон борича тежаш - институт ҳудудида табиий газ, электр энергияси, ичимлик сувдан фойдаланишни қатъий назаратга олдик.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

КИЧИК БИЗНЕС

Томорқа

УНИНГ ТАБИИЙ ИМКОНИАТЛАРИДАН ЕТАРЛИЧА ФОЙДАЛАНАЯПМИЗМИ?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 1991 йилдаги Фармони асосан 3 млн.дан зиёд оилага томорқа учун қўшимча ер ажратилиб, қишлоқ аҳолисининг моддий шарт-шароитини яхшилаш йўлида муҳим қадам қўйилган эди

ТОМОРҚА... БУ НИМА — МУЛКМИ, БОЙЛИКМИ, ТАБИИЙ ИМКОНИАТМИ ЁХУД ҚЎШИМЧА ДАРОМАД МАНБАИМИ? ТОМОРҚА, БИЗНИНГЧА, АНА ШУЛАРНИНГ ҲАММАСИДИР. ҚУТ-БАРАКА, ТЎКИНЧИЛИК ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ. БАРИНИНГ ОНАСИ — МЕҲНАТ. ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚИЛГАН, ПЕШОНА ТЕРИ ТЎККАН ОДАМ ҲЕЧ ҚАЧОН КАМ БЎЛМАЙДИ. МАМЛАКАТИМИЗДА ЯККА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ АНЪАНАВИЙ ШАКЛИ — ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНЛИГИ БЕЖИЗ ЭМАС. ЗЕРО, ИСТИҚЛОЛГА ЭРИШГАНИМИЗДАН КЕЙИНОҚ, ЮРТБОШИМИЗНИНГ МАХСУС ФАРМОНИ БИЛАН АҲОЛИГА ТОМОРҚА УЧУН ЕР АЖРАТИБ БЕРИЛГАНИНИ БИР ЭСГА ОЛАЙЛИК. БУГУНГА КЕЛИБ, АНА ШУ МАЙДОНЛАРДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ТОМОРҚАЧИЛАР ЎЗЛАРИ ЕТИШТИРГАН МАХСУЛОТЛАР ОРҚАЛИ ҲАМ ОИЛАСИНИ, ҲАМ ЭЛ-ЮРТНИ БОҚАЁТГАНИГА ГУВОҲ БЎЛАЯПМИЗ. БОШҚАЧА АЙТГАНДА, ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИ БУ МУҲИМ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ИНДИВИДУАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДИР.



унумли фойдаланиш борасида шахарлик айрим тадбиркорлар унча-мунча деҳқондан қолишмайдилар. Чунончи, ҳар уч хонадоннинг бирида иссиқхона ташкил этилган. Бу эса қўшимча даромад манбаидир. Эътибор берган бўлсангиз, Тошкент бозорлари қишин-ёзин турли кўкатлар, ранго-ранг гуллар билан тўла. Улар четдан ташиб келтирилди? Йўқ, албатта. Ҳаммаси асосан шахар хонадонларида етиштирилади. Демак, қилса бўлар экан.

Ерда ҳикмат кўп. У инсонни боқди, тўдиради, қийинтиради. Бинобарин, ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш ҳақида жиддийроқ қайғуришимиз лозим. Унинг умрини беҳуда ўтказиш, халқона ибора билан айтганда, уволдир.

— Сиз билан томорқа хўжалиги ва унинг имкониятлари ҳақида баҳслашяпмиз. Томорқа — бу, аввало, ер дегани. Афсуски, жойларда томорқа ердан фойдаланиш борасида локаллик ва ўзибўларчилик ҳолларида йўл қўйилаётгани ҳам сир эмас. Тўғрими?

— Муҳим ҳаётий масалани ўртага ташладингиз. Мамлакатимиз раҳбарияти халқ фаровонлигини ўйлаб, истиқлолнинг илк тонгидаёқ, томорқа хўжалигини кенгайтиришга дадиллик билан қўл урган эди. Бунда катта ҳикмат бор. Зеро, қишлоқ хонадонларини томорқасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Билган одам учун у қони фойдадир. Аслида нима бўлаяпти? Айрим оилалар тасарруфда 10, 15, 20 сотихдан томорқа ери бўлса-да, рўзгорда кут-баракат йўқ. Моддий етишмовчилик ҳужм сурган жойда, табиийки, қора қозон гўшт билан қайнамайди, хонадондан мурроса қочади. Бу, аввало, танбаллик ва дангасалик оқибатидир. Ерга уруғни селиб қўйган билан иш битмайди. Ҳар қандай экиндан юқори ҳосил етиштириш учун биринчи навбатда меҳр ва омиқкорлик лозим. Томорқачилар орасида оддий сабази ёки пиёзни ҳам бозордан сотиб оладиганлар йўқми? Бор, албатта. Бундай тоифадаги кимсалар учун томорқанинг ўзи ҳайфдир.

Ер ҳам алдов ва хиёнатни сезади. Яъни берсанг, оласан. Томорқа хўжалигини шундай ташкил этиш кераки, унинг савоатли бағрида етиштириладиган маҳсулотлар оила эҳтиёжларини қондиришига қўлмай, бозорни ҳам обод қилсин, том маънодаги қўшимча даромад манбаига айлانسин. Сендан ҳаракат — мендан баракат, деган гап бор. Ерни, томорқани чинакам эгасига бериш керак. Ана шундагина дастурхонимиз турли ноз-неъматларга севроб бўлиб, маъмурчилик сари кенг йўл очилади.

Носир ТОШЕВ суҳбатлашди

Мутахассисларнинг фикрича, айни пайтда мамлакатимизда 3,3 мингдан зиёд деҳқон хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, етиштирилаётган картошканинг 90, мева-сабзавот маҳсулотларининг 61-77, узумнинг 44,4, полизнинг 61,1 фоизи бевосита улар ҳиссасига тўғри келади. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, сутнинг 96,4, гўштининг 94, туҳунининг 53,8, жуннинг 77,3 фоизи шахсий сектор томонидан ишлаб чиқарилаётган. Шунинг ўзи эркин меҳнат фаолиятига кенг йўл очиб қандай самаралар бераётганини тасдиқлаб турибди.

Фарғоналик амалиётчи олим, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, О'zLiDeP аъзоси О. ИБРАГИМОВ билан томорқа, унинг қундалик турмушдаги ўрни ва табиий имкониятлари, бу борадаги айрим муаммолар хусусида суҳбатлашдик.

— Маълумки, томорқа ерлари аҳоли кенг қатламга умрбод фойдаланиш учун берилди. Бу борада тўпланган бой, ибратли тажрибалар ҳақида кўп гапириш мумкин. Томорқачилик аъёналари асрлар оша ривожланиб, авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Мустақиллик шарофати билан минг-минглаб оилалар ерли ва сувли бўлди. Президентимизнинг 1991 йилдаги Фармони билан уч миллионга яқин деҳқонга томорқа ери ажратиб берилдики, бу ўзига хос тарихий ҳодисадир. Узоқни кўзлаб амалга ошириладиган доно сиёсат туфайли иқтисодий соҳадаги ислохотлар жадаллашиб, қишлоқ меҳнаткашларининг турмуши янгича мазмун касб этмоқда.

Ер — бебаҳо бойлик. Асл ва миришкор деҳқон ундан қандай фойдаланишни яхши билди. Шу боис эрта туриб, кеч ётади. Ҳар бир тадбирни

оби-тобида ўтказишга ҳаракат қилади. Дастурхонимизни қишин-ёзин бебаз турадиган олма, анор, узум, нок, қовун-тарвуз, қўйинг-ки, барча ноз-неъматлар унинг ҳалол меҳнати самарасидир. Албатта, якка меҳнат фаолиятини чидаганга чикарган. Ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Демок-чимизки, томорқа хўжалигини юритишнинг ҳам бир дунё ташвиши бор. Томорқачи юқори ҳосилдорлик омили бўлган ўғит, гўнг, уруғ, техникани ўзи топиши, қолаверса, маҳсулотини сотиш учун қулай бозорни танлаш билиши керак. Ана шундагина у кўзлаган мақсадларига эришиб, рўзгорини янада обод қилиш имкониятига эга бўлади.

— Ҳақ гапни айтдингиз. Томорқа — қўшимча даромад манбаи, демакдир. Бу эса ер билан чинакамга «тиллашиш»ни, юқори самарадорликка эришиш учун кунг ва омиқкорлик билан иш юритишни тақозо этади. Шундай эмасми?

— Чиндан ҳам шундай. Ерни алдаган одам ҳеч қачон барака топмайди. Бу ҳаётий тажрибадан яхши маълум. Энди ўзимизча мулоҳаза юритиб кўрайлик. Маълумотларга қараганда, айрим ширкат хўжалиқларида 40-42 фоиз майдон ҳисобидан 14-15, нари борса, 20 фоиз маҳсулот етиштириляпти. Бу, очиги, томорқачилар эришаё-

бормайлик. Томорқа ерларидан унумли фойдаланиш борасида олтириқлик миришкорларнинг олдига тушадигани камдан-кам бўлса керак. Йилига 3-4 мартадан ҳосил олиш улар учун одатий ҳолга айланган. Бодринг, маккажўхори, турп етиштирилган дала-ларга туртинчи ҳосил сифатида сабзи уруғи сеполади. Самарачи чакки эмас.

— Албатта, ҳар бир экиннинг ўзига хос агротехникаси бор. Олтириқлик томорқачилар бундан кўп йиллик тажрибадан яхши билишди. Улар эришаётган ютуқларнинг асосий сирини нимада? Ўйлаймизки, ушбу савол кўп сонли газетхонларимизни ҳам қизиқтиради...

— Тажриба — жамият мулки. Уни кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш барча учун манфаатлидир. Модомики, шундай экан, гапни бир бошидан бошлаш қолайлик. Олтириқлик деҳқонлар бодринг ҳосили учун январь ойининг иккинчи ярмидан тайёргарликка киришадилар. Махсус яшиқларга сочма усулда экилган уруғ бир текис ундириб олинади. Сўнгра қўшқулоқ бўлиб қолган бодринг ниҳоллари қоғоз «стакан»чаларга юритиб кўрайлик. Маълумотларга қараганда, айрим ширкат хўжалиқларида 40-42 фоиз майдон ҳисобидан 14-15, нари борса, 20 фоиз маҳсулот етиштириляпти. Бу, очиги, томорқачилар эришаё-

Мехнатдан мўъжиза яралади. Олтириқлик томорқачилар бундан амалда исботлаб келмоқдалар. Оддий оила бир мавсумда бодрингдан ўртача 700000-900000 сўм, маккажўхори дони ва поясидан 400000 сўм, турпдан 450000-550000 сўм, жами 1850000-1900000 сўм атрофида даромад олаётганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

тган кўрсаткичларга нисбатан 9-10 баробар камдир. Хўш, бунинг сабаблари нимада? Ерни ҳалол меҳнат орқалигина обод қилиш ва мўлжалдаги ҳосилни олиш мумкин. Эътибор беринг: баъзи хўжалиқларда гектар бошига етиштирилаётган сабзавот 18-20 тоннадан ошмайди. Ваҳоланки, кўплаб томорқачи деҳқонлар 8-10 сотих томорқадан ана шунча миқдорда ҳосил етиштириб, юқори даромад эгаси бўлишмоқда. Келинг, узоққа

ди. Бу даврда чириган гўнг, шунингдек, азотли ўғитларни меъёрида ишлатган маъқул. Ҳосилга кирган экин қунора сугорилиши, пушталада доимий намлик сақланиши лозим. Ана шундай қилинганда, 8-10 сотих ердан мавсум давомида 22-30 мартагача бодринг йиғиштириб олиш мумкин. Бу ўртача 8-9 тонна сара ҳосил, демакдир.

Сирасини айтганда, олтириқликлар томорқадан фойдаланишнинг ҳадисини олиш-

ган. Яъни, улар ҳар қарич ердан унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Бир дала-нинг ўзига икки хил экин экиш одатий ҳолга айланган. Эътибор беринг: бодринг пуштала-ри орасига 180 сантиметр кенгликда икки қатор қилиб маккажўхори уруғи қадалади. Макка ўсимлигининг секин ривожланиши тажрибадан яхши маълум. Демокчимизки, иккинчи экин бодрингдан бара-қали ҳосил етиштириш ва уни йиғиштириб олишга асло ҳа-лакат бермайди. Июль ойи-нинг иккинчи ярмида макка-жўхори ҳосили ҳам пишиб етилади. У йиғиштириб олин-гач, навбат учинчи экинга ке-лади. Бу — турп. Олтириқ-нинг серсус, диркиллаб тур-ган турпини емабсиз, оламга келмасиз. Экиндан олдин майин туپроқ текислаб, 50-60 сантиметр кенгликда пуштала-ри олинади. Ҳар бир уяга 3-4 донадан уруғ ташланади. Парвариш даврида экин фос-форли, азотли, калийли ўғит-лар билан озиклантирилиши, ундан сўнг албатта сугорили-ши, туپроқнинг намлик дара-жаси 70 фоиздан кам бўлмас-лиги лозим. Ана шунда ун со-тих ердан 20-22 тоннагача турп ҳосили йиғиштириб олиш мумкин.

Мехнатдан мўъжиза ярала-ди. Олтириқлик томорқачи-лар бундан амалда исботлаб келмоқдалар. Оддий оила бир мавсумда бодрингдан ўртача 700000-900000 сўм, маккажўхори дони ва поясидан 400000 сўм, турпдан 450000-550000 сўм, жами 1850000-1900000 сўм атрофида даро-мад олаётганлиги ҳам фикри-мизни тасдиқлаб турибди. Ту-манда Узумчи қишлоғи бор. Қишлоқ миришкорлари мам-лакатимиз бозорларини қи-шин-ёзин хўраки хусайни билан таъминлайдилар. Юқорида таъкидланганидек, 8-10 сотих тоқзордан 4,5-5 тоннагача узум етиштирилади. Бу ўртача 5-6 миллион сўм қўшимча даромад, демакдир. Умуман, томорқа хўжалигида бирор қарич бўш жойни кўрмайсиз. Узум ишқомлари ёғоч сўрилар орқали уйлари-нинг томигача кўтарилди. Қолаверса, дастурхонга торти-ладиган мева-чева, жумладан, олма, анор, нок, хурмо, ёнғоқ, анжир, гилос, шунингдек, қозонга тушадиган укроп, кўк пиёз, кашнич, райхон каби резавор маҳсулотларни бо-зордан сотиб олишга ҳожат йўқ. Уларнинг барчаси томо-рқа шароитида етиштирили-моқда. Сут, қатик, гўшт, туҳум ҳам деярли ҳар бир хонадоннинг

Истиқлол шарофати билан минг-минглаб оилалар ерли ва сувли бўлди. Президентимизнинг махсус Фармони билан уч миллиондан зиёд деҳқонга томорқа ери ажратиб берилдики, бу ўзига хос тарихий ҳодисадир. Узоқни кўзлаб амалга оширилаётган доно сиёсат туфайли иқтисодий соҳадаги ислохотлар жадаллашиб, қишлоқ меҳнаткашларининг турмуши янгича мазмун касб этмоқда.

Ўзидан чиқади. Чунки, маҳал-лий чорвачилик ва парранда-чиликни ривожлантириш учун бундан имкониятлар ишга со-линмоқда. Бу ибратли тажри-ба нафақат туман, балки ви-лоят миқёсида оммалашиб бо-раётганлиги эътиборга мо-ликдир.

— Ўзбек оиласини томорқасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб келинаётганлиги ҳам бежиз эмас. Мутахассис олим сифатида томорқа хўжалигини ривожлантириш учун яна нима-лар қилиш лозим, деб ҳисоблайсиз?

— Ўрни келиб қолди, мен ҳам сизга битта савол берсам. Агар ҳар бир хонадон томор-қасида ёрдамчи хўжалик си-

фатида 2 бош сигир, 8-10 бош қўй ва эчки, 30-40 бош то-вуқ асраб боқилса, қўшимча равишда қанча маҳсулот ва қанча фойда олиш мумкин? Бунинг хомчўт қилиб қўриш қийин эмас. Бизда томорқачиликнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўзи-га хос аъёналари бор. Уларга қатъий амал қилсак, ҳеч қачон панд еб қол-маймиз. Ҳақиқий де-ҳқон харид учун бо-зорга тушмайди, ак-синча, оиласини ўз еридан чиққан маҳ-сулотлар билан бо-қадди, ортиқчасини эса сотади. Натига-да бозор маҳсулотга тўлади. Маҳсулот кўпайгач, ўртада ра-қобат муҳити шаклланиб, нарх-наво ўз-ўзидан арзонла-шади. Фақат шугина эмас. То-морқа хўжалигининг тарбия-вий аҳамияти ҳам катта. Яъни, томорқа ҳисобидан қўшимча иш ўринлари вужудга кела-ди. Оила аъзолари, жумладан, фарзандларда мустақил меҳ-нат кўникмалари қарор топа-ди. Улар ота-оналари олдида юриб, пешона тери орқали яша-ша одатланадилар.

Фарғона водийсида шун-дай хонадонлар борки, ҳар би-рида 4 тадан 120 тагача аса-лари уялари парвариш қили-нади. Маҳсулот ва даромад ҳам шунга яраша. Қувалик де-ҳқонлар эса 8-10 сотих ердан 1,5-2 тоннагача анор етишти-риб, баракали меҳнат орқаси-дан фаровон турмуш кечир-моқдалар. Бундай мисоллар-ни кўплаб келтириш мумкин, албатта. Пул осмондан туш-майди. Ердан, томорқадан

ТАҲРИРИЯТДАН: азалдан маъжумки, инсон тақдири, манфаати ер билан чамбарчас боғлиқ. Уни бу имкониятдан маҳрум этиш адолат-сизликдир. Ерни сийлагани эл сийлайди. Мамлакатимизда томорқа хўжалигини ривожлантиришга давлат даражасида аҳамият қара-тиб келинаётганлиги ҳам бежиз эмас. Зеро, саҳий заминимиз ўзи-нинг табиий хусусиятларига қўра бебаҳо ва қимматли бойлик ман-баидир.

Фикримизча, юқоридаги суҳбат-мақолада томорқа хўжалигини тасар-руф этиш, унинг самарадорлигини ошириш бўйича муҳим тақлиф-мулоҳазалар ўртага ташланган. Улар кўпчилики бефарқ қолдирмай-ди, деб ўйлаймиз. Томорқа сизнинг оилавий ҳаётингизда қандай ўрин тутайди? Жойларда шахсий ёрдамчи хўжалиқларни янада ривожлан-тириш учун нима ишлар амалга оширилиши лозим? Бу борада қандай камчилик ва муаммолар мавжуд? Ана шу хусусдаги мактубларингизни кутамиз.



БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» IJTIMOY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI



ФАОЛИЯТ ЮРИТИШДАН ТЎХТАСАК — ЯШАШДАН ТЎХТАЙМИЗ

Ташаббускорлик ютуқлар гаровидир

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш, янги марраларга эришишда изчилликни таъминлаш борасида билдирилган фикр-мулоҳазалар барча қатори «Намангансавдосервис» масъулияти чекланган жамият аъзоларини ҳам бефарқ қолдирмади



бошқармасига 139 миллион 896 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

— Излаган имкон толади, — дейди партия фаолларидан бири Орифжон Акрамов. — Ташкилотимиз етакчиси Нодирбек Бахромов табиатан янгиликка ўч, ҳаракатчан ва ташаббускор йиғит. Раҳбарлик ташвишларидан ортиб, партиявий ишларни ҳам ўрнига қўймоқда. Одамларга нисбатан самимий ва талабчан.

— Мамлакатимиз Президентининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган устувор вазифалар барча қатори биз — партия фаоллари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди, — дейди Н. Бахромов. — Бинобарин, омма ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришимиз, партия сафларини мустаҳкамлаш ҳақида қайғуришимиз, эзгу амаллар йўлида ташаббускор бўлишимиз лозим. Шу талаблардан келиб чиқиб, бевосита туманларда янги иш ўринларини ташкил этмоқчимиз. Чунки, ҳозирги кунда қишлоқ жойларида меҳнатга лаёқатли хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этади.

Очиғи, бугунги мураккаб бозор иқтисоди шароитида фаолият юритиш «Намангансавдосервис» масъулияти чекланган жамияти жамоасига ҳам осон бўлаётгани йўқ. Муаммолар ечимини топиш учун жамоа аъзолари бор имкониятларини ишга солмоқдалар. Партия сафларига янада маҳкамроқ жипслашмоқдалар. Сиёсий фаоллик ва ташаббускорлик эса янги ютуқларга йўл очаяпти.

Маълумки, бугунги кунда сиёсий-иқтисодий ва фуқаровий эркинликларни ўз фаолиятининг асосий мазмуни, деб биладиган либерал-демократик ҳаракатларнинг дунёдаги нуфузи тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Айниқса, ўтган асрнинг 90-йиллари бошидаги буюқ ўзгаришлар — Берлин деворининг кулаши ва коммунистик ғояларнинг барҳам топиши Марказий ва шарқий Европа ҳамда МДХ ҳудудида ана шундай ҳаракатларга кенг йўл очди. Либералларнинг фуқаролик жамияти, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳуқуқий давлат, демократик сиёсий институтлар, хусусийлаштириш, тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенг йўл очиш каби асосий мақсад-муддаоси албатта, ҳар қандай жамият ривожига кенг йўл очиб беради.

■ Одиложон ИНОМОВ

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳам мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, жамиятнинг ўрта бўғини — мулкдорлар сонини кўпайтириш, аҳоли кам таъминланган қатламни ижтимоий муҳофаза қилиш ташаббуси ва ғояси билан сиёсий майдонга чиқди. Маълумки, ҳар қандай партия халқ эътиборини қозониш, уни ўз ортидан эргаштириш учун жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари ва уларнинг фаоллигига таянади. БПТ аъзолари сиёсий етуқ, ташаббускор, изланувчан бўлган тақдирдагина партия жамиятда ўзига муносиб ўринни эгаллай олади. Бу йўлда «Намангансавдосервис» МЧЖ қошидаги бошланғич партия ташкилоти ҳам жонбозлик кўрсатмоқ-

да. Нодирбек Бахромов билан учрашишдан мақсад, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг таянч бўғини ҳақида фикрлашиш, бу борадаги ютуқ ва муаммолардан хабардор бўлиш эди. Бироқ сўбатимиз ўз-ўзидан Президент Ислоҳ Қари-мовнинг Вазирлар Маҳкамасида, 2005 йил якуни ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағиш-лаб ўтказилган мажлисдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга боғланди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш, янги марраларга эришишда изчилликни таъминлаш борасида билдирилган фикр-мулоҳазалар барча қатори «Намангансавдосер-

вис» масъулияти чекланган жамият аъзоларини ҳам бефарқ қолдирмади.

Инсон келажак сари дадил интилмас экан, кўзлаган мақсадларига эришолмайди. Н. Бахромов замонавий раҳбар ва партия фаолларидан бири сифатида буни тўла ҳис этапти. У 2006-2007 ўқув йилида Республика Халқ таълими вазирлиги 1-синф болалари ҳамда кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини ўқув қуроллари, қишки иссиқ кийим-бош билан таъминлаш мақсадида эълон қилинган тендер танлови ғолибларидан биридир. Бугунги кунда «Намангансавдосервис» жамиятида 60 нафарга яқин хотин-қиз касаначилик фаолияти билан шуғулланаётди. Эътиборли томони шундаки, яқингача вақтинча ишсиз бўлган қишлоқ аёллари касб-хунар эгаллаб, яхшигина даромад топишяпти. Маҳсулот сифатига катта эътибор қаратилаётди. Ҳозирги кунда вилоятнинг Норин, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Наманган туманлари ҳамда Наманган шаҳрида яшаётган ўй бекалари ушбу фаолият тури билан шуғулланиб, ҳам жамиятга, ҳам ўзларига фойда келтиришяпти.

— Уч фарзандим бор, — дейди тўрақўрғонлик касаначи Уктамхон Қодирова. — Нодирбекнинг сазой-ҳаракати билан ишлик бўлдим. Хом ашёни ўз вақтида етказиб беришяпти. Кунига 3-4 тадан куртка тикияпман. Бажарилган ишнинг ҳажми ва сифатига қараб, ойига ўртача 45-50 минг сўмдан ҳақ тўлаша-япти. Умуман, меҳнатимга яраша моддий манфаатдор бўлаётганимдан хурсандман.

Партиянинг куйи бўғини атрофига жипслашган Тўланбой Зулфикооров, Орифжон Акрамов, Муталлиб Меҳмонов, Мўминжон Эгамбердиев, Қосимжон Бахромов ҳамда Раиса Ҳайитова каби фаоллар кўпчиликка ибрат бўлишяпти. Улар сазой-ҳаракати билан ўтган йили Халқ таълими вазирлиги қошидаги «Ўқув таълим-таъминот» бош



Нодирбек
БАХРОМОВ,
1972 йилда На-
манган шаҳрида
туғилган. Ўш
давлат универси-
тетини тамомла-
ган. Айни кунда
«Намангансавдо-
сервис» масъу-
лияти чекланган
жамият раҳбари
ҳамда бошланғ-
ич партия таш-
килоти раиси.
27- Фазо сайлов
округидан халқ
депутатлари На-
манган шаҳар
кенгашига депу-
тат.

«Ҳақиқий мулкдорлар қатламини шакллантириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш вазифалари ажралмас жараёндир. Партия бу қатлам ислохот ғояларини ташийдиган ва ҳаётга татбиқ этадиган куч бўлиши даркор, деб ҳисоблайди. Айнан ҳуқуқий меъёрларга асосланган соғлом рақобатнинг ҳақиқий мулк эгаларининг жамиятимиз иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришда ўз ўрнини эгаллашига имкон яратади».

О'zLiDeP Дастуридан

«Ҳозирги кунда кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 38,2 фоизни ташкил этмоқда. Бугун иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 65 фоиздан кўпроғи мазкур соҳада фаолият юритмоқда. ... Мамлакатимиз фермер хўжаликларидан бугунги кунда 1 миллиондан зиёд киши банд бўлиб, 2005 йилги пахта хом ашёсининг 66 фоизи, ғалланинг 55 фоизидан ортиғи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилди».

Қўли очиқнинг — йўли очиқ

— Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида тилга олинган ушбу мисоллар барча қатори мени ҳам ниҳоятда қувонтирди

■ Муҳаббат БЕКЧОНОВА, Фермер хўжаликлари уюшмаси Хоразм вилоят филиали бошланғич партия ташкилотининг раиси

Юрт бойлигига бойлик, аҳоли дастурхонига қўт-баракка қўшаётган инсонлар орасида О'zLiDeP аъзолари, шубҳасиз, кўпчиликни ташкил этади. Урганч туманидаги «Баҳром» фермер хўжалиги раҳбари Маркс Раҳмонов ана шулардан биридир.

Бугун замона тадбиркорни, излаган ва интилганни. Қатъият билан меҳнат қилган одам ўз муродига етади, албатта. М. Раҳмонов воҳада биринчилар қаторида фермерлик ҳаракатига қўл урган эди. Ушунда истехзо билан қулганлар ҳам бўлди. Чунки, биринчи бўлиш қўриқ очишдай гап. Бунинг масъулияти ва мушкулотини бошидан ўтказган одам билади.

— Ўз кучинг ва иродангга ишонмасанг, яхшиси бирон ишга қўл урмаганинг маъқул, — дейди Маркс тоға. — Молдунё орттириш ҳою-ҳавасида тадбиркорлик кўчасига кириб, фойда ўрнига эл-юртга зарар келтираётган «ишбилармонлар» ҳам йўқ эмас.

Бундан Яратганнинг ўзи асрасин. 1994 йили дастлаб иш бошлаган кезларимизда 10 гектар экин майдони, бир неча бош қорамолмиз бор эди, холос. Бугун эса ҳаммасини ўзингиз қўриб турибсиз.

Дарҳақиқат, бугун «Баҳром» фермер хўжалигида манзара бутунлай бошқача. Бир неча гектар майдонда пахта, ғалла ва озуқабоп экинлар етиштириляпти ва 46 бош қорамол парваришлянапти. Замонавий техника воситалари — 2 та автомашина, 3 та чопиқ, 2 та ҳайдов трактори хўжалик аъзоларининг мушкулни осон қилмоқда. Хўжаликка қарашли кичик корхонада ўтган йили 62 тонна нон, 112 тонна сўт, 502 килограмм сметана, 840 килограмм творог, 688 килограмм қаймоқ ишлаб чиқарилди.

Умуман, 2005 йилги натижалар ҳавас қилса арзигуликдир. Моллар соғлом ва дуркун ўсмоқда. Шартнома асосида тайёрланган 57 тонна пахта, 38 тонна бугдой, 17 тонна шולי, 4 тонна сабзавот, 6,7 тонна мева, 12 тонна макка ва оқ жўҳоридан тушган маблағ имкониятларни янада кенгайтириш учун сарфлянапти.

Маркс оға О'zLiDeP фаоли сифатида партиявий-сиёсий ишларда ҳам ўзини намёнён этмоқда. Эҳтиёжмандларни молиявий қўллаб-қувватлаш унинг ҳаётий шioriға айланган. Айни пайтда фермер хўжалигида 28 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатапти. Улар сафини кенгайтириш, янги иш ўринлари очиш яқин келажакдаги режалардан биридир.

Ҳомийлик — муҳим инсоний фазилатлардан бири. Маркс оға бу борада ҳам фаол, ташаббускор. У яқинда Аваз Ўтар, Усмон Юсупов номли мактаб ўқувчиларига 200 минг сўмлик ўқув қуроллари туҳфа қилди, вилоят кардиология диспансерига 500 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

Халқимизда қўли очиқнинг — йўли очиқ, деган нақл бор. Кенг феълли одамлар бир майизнинг ярмини ўзи еса, ярмини дўст-биродарлари билан баҳам кўради. М. Раҳмонов ана шундай саховатли инсонлар тоифасидан. У билан юртдош ва замондош эканлигим билан фахрланаман.

2006 йил 8 март,
Чоршанба
10 (116)-сон

Бошланғич ташкилотлар

партия таянчигина эмас, унинг кўзгуси ҳамдир

Вақт югурик. Аср шиддаткор. Ана шу шиддаткорлик ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотлар жараёнида кўзга яққолроқ ташланмоқда. Агар биз ўз фаолиятимизни бугунги ўзгаришлар суръатига мослай эмасак, кўзланган мақсадларга эришимиз қийин кечади. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси давр билан бирга қадам ташлаб, гоёвий ҳамда сиёсий етуклик сари интилаётганлиги эътиборга молик, албатта.

■ Шухрат РАҲИМОВ, «XXI asr» муҳбири

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиалида партиянинг бошланғич ташкилоти сафида салкам етмиш нафарга яқин фаол, ташаббускор ходимлар бирлашган.

ҳамда вазифаларни амалга ошириш борасида ибрат бўлишарди. Кўпчилик хавас қиладиган томони - партия аъзоларининг мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасидаги фаоллигидир. O`zLiDePнинг III съездида партия Низомига киритилган



— Бошланғич ташкилотлар партиянинг кўзгусидир, - дейди Гулчехра Кенжаохунова. — Шу боис, улар зиммасига алоҳида масъулият юклатилган. Партия азоси гоёвий ва сиёсий етуклик сари тинимсиз интилоғи керак. Файласуфлардан бири: “Сен сиёсат билан шуғулланмасанг, сиёсат сен билан шуғулланади”, деган экан. Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай. Биз мамлакатимизда, қолаверса, бутун дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар моҳиятидан тўла хабардор бўлишимиз лозим. Партиявий бурчимиз шуни тақозо этади.



Гулчехра КЕНЖАОХУНОВА,

1968 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент Давлат телекоммуникация ва ахборот технологиялари университетининг 4-курсда таҳсил олади. Ҳозирда “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиалида ҳисобкитоб бўлими оператори, бошланғич партия ташкилоти раиси.

ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, умумий мажлисда бошланғич ташкилотнинг 5 кишидан иборат кенгаши тузилди.

— Асосий вазифамиз ташкилот фаолиятини янада такомиллаштиришдан иборат, - дейди кенгаш аъзоси А. Абдуллаев. — Кўппартиявийлик шароитида ҳар бир партия меҳнат жамоаларида ўз тарафдорларини кенгайтириш ҳақида қайғуриши табиий ҳол, албатта. Бу борада, энг аввало, бошланғич ташкилотларнинг фаоллиги ва ташаббускорлиги зарур.

— Корхонанинг иш қўламини, ютуқ ва муаммолари ҳақида нима дея оласиз?

— Ҳозирги кунда дунёда алоқа воситалари жадал ривожланиб бормоқда. Зеро, бу стратегик аҳамиятга молик масаладир, - дейди маркетинг-лардан иборат катта жамоанинг фидойи меҳнати мужасам, албатта. Уларнинг билим ва тариф бўлими бошлиғи Валерий Гулин, — “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиалида ҳам ислохотлар аниқ режа асосида олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда 600 000 та абонентга хизмат кўрсатаёلمиз. Пойтахтдаги бир қатор телефон станциялари қайта

модернизация қилинаёпти. Сўнгги русумдаги замонавий жиҳозлар мушкулларимизни осон қилмоқда. Бир неча АТСда ҳадемай, мавжуд телефонларни рақамлилари билан алмаштириш кўзда тутиляпти. Эътибор беринг: сўнгги 15 йил ичида шаҳар телефон тармоғи бўйича 136 минг абонентга хизмат кўрсатадиган қувватлар ишга туширилган бўлса, кейинги икки йил мобайнида 250 мингта номер фойдаланиш учун топширилади. Яқин келажақдаги асосий мақсадимиз 60 фоиз телефон хизматини электрон алоқа тизимига ўтказишдир.

Бу рақамлар замирида инженер-техник ходимлар, монтаж, оператор, диспетчерлардан иборат катта жамоанинг фидойи меҳнати мужасам, албатта. Уларнинг билим ва тариф бўлими бошлиғи Валерий Гулин, — “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиалида ҳам ислохотлар аниқ режа асосида олиб борилмоқда.

Ҳа, корхонадаги қизгин иш жараёни ҳеч қимми бефарқ қолдирмаслиги турган гап. АТСлар қошида капитал қурилиш ишларини олиб борадиган алоҳида бригада тузилди. Бу эса сарф-харажатларни 1,5 бараварга камайтириш имконини бермоқда.

Албатта, корхонада O`zLiDePга хайрихоҳлар ҳам кўплаб топилади. Улар эзгу мақсад йўлида маҳкамроқ жипслашиб, партия гоёларини тарғиб ва ташвиқ қилиш борасида бошланғич ташкилотга яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда.

— Телефон хизмати соҳасида ютуқлар билан бирга ўз ечимини кутиб турган муаммолар ҳам кам эмас, - дейди Г. Кенжаохунова. — Тошкент — азим шаҳар. Аҳоли кўп. Ҳаётини эҳтиёжлар ўсиб бормоқда. Уларни рўёбга чиқариш, хизмат маданиятини ошириш учун бошланғич партия ташкилоти атрофига янада маҳкамроқ жипслашимиз лозимлигини кўрсатаёпти. Қолаверса, ортимизда O`zLiDePдек катта сиёсий куч турибди. Партия гоёларини рўёбга чиқариш йўлида қатъият ва ташаббускорлик кўрсатиш барчамизнинг асосий бурчимиздир.

Ишнинг бошланғич даврида мўлжални аниқ олиш тараққиёт мезонини белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Боёвут шаҳарчасида жойлашган “Акционер” кичик корхонаси O`zLiDeP бошланғич партия ташкилоти раиси Абдужалил Шойимқулов буни ўз тажрибасидан яқши билади. Сифатли, арзон, ҳаммабоп маҳсулот ишлаб чиқариш у бошлиқ жамоанинг асосий шиорига айланган.

Интилиш ва изланишда ҳикмат кўп

дейди Боёвут туманидаги “Акционер” кичик корхонаси бошланғич партия ташкилоти раиси Абдужалил Шойимқулов

■ Примқул ДЎСТМАМатов, «XXI asr» муҳбири

Корхона ҳаёти билан танишар эканмиз, фаолият йўналиши аввал бошиданок тўғри танланганлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Зеро, дурадгорлик буюмлари, уй-рўзгор жиҳозлари ҳар доим, ҳамма учун керак.

— Айтинг-чи, бошланғич партия ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Партиямиз иқтисодиётда тугалланган технологик ишлаб чиқариш циклига эга бўлиши лозим, деб ҳисоблайди. Бу, бозорга тайёр маҳсулот чиқариш, шиклоқ ҳўжалиги маҳсулотларини тўлиқ қайта ишлаш жараёни билан чамбарчас боғлиқдир. Бошқача айтганда, истеъмолчининг ҳаётини эҳтиёжлари ҳаммиша биринчи ўринда туриши лозим.

Бошланғич партия ташкилоти йиғилишларида бу масалани тез-тез муҳокама қилиб, тегишли чора-тадбирлар белгилаймиш. Ҳар бир аъзо зиммасига маълум партиявий топшириқ юклатилган. Унинг ижроси доимий назоратда. Бу эса жамоа ўртасида сиёсий фаоллиқни ошириш, корхона иқтисодини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаёттир.

— Корхона фақат дурадгорлик фаолияти билан шуғулланадими ёки...

— Дастлаб ишни дурадгорлик буюмлари тайёрлашдан бошлаганмиз. Бора-бора бу бизни қониқтирмай қўйди. Бошланғич партия ташкилоти йиғилишида фаолият доирасини кенгайтириш масаласини кўриб чиқиб, қатъий бир қарорга келдик. Нега? Сабаби оддий. Ҳозир кўпчиликнинг уйида кир ювувчи машинаси ёки совуттич бор. Ҳар бири фалон пулга харид қилинган, кейинчалик бузилиб, бир уюм темир-терсақка айланиб қолган. Янгисини сотиб олишга эса ҳаммининг ҳам қурби етавермайди. Ана шундай пайтда бизнинг ёрдамимиз асқотиши турган гап. Яъни, аҳоли ихтиёридаги носоз уй-рўзгор буюмлари, маиший техника воситалари корхона цехларида қайта таъмирланиб, ўз вақтида эгаларига қайтарилмоқда. Хизмат ҳисобидан тушган маблағ эса ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, жамоа аъзоларининг манфаатдорлигини ошириш учун йўналтириляпти.

Яқинда Боёвут шаҳарчасида туман тадбиркорларининг аънанавий “Ташаббус-2006” кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда тадбиркорлик йўналиши бўйича қатнашган корхонамиз маҳсулотлари юқори баҳолашиб, биринчи ўринга лойиқ, деб топилди.

Дарҳақиқат, шундай. Эришилаётган ютуқлар шундан далолат берадики, қаерда бошланғич партия ташкилоти фаолияти яқши йўлга қўйилган бўлса, ўша жойда сиёсий жанговарлик ошиб, ислохотлар жараёни янада жадаллашади. Зеро, интилиш ва ташаббускорликда ҳикмат кўп. “Акционер” жамоаси ўзининг хайрли ишлари билан буни амалда намоён этаёпти.

«Партия учун янги иш ўринларини яратиш, ишсизликка қарши курашиш, авваламбор, ёшларни иш билан таъминлаш ниҳоятда зарур ва кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Бу масалани ечининг асосий йўналишлари сифатида партия аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, ижтимоий аҳамиятга эга соҳаларда меҳнатга бўлган иқтисодий манфаатдорликни ошириш, ўзгарувчан бозор конъюктурасига мослаштирилган малака ошириш ва профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш, шунингдек, қўшимча таълим олиш ва касб ўрганиш соҳасини тубдан яхшилаш керак деб ҳисоблайди».

O`zLiDeP Дастуридан

Илова учун масъуллар: Носир ТОШЕВ, Темур АБДУРАҲМОнов

Сиёсий уюшқоқлик

O`zLiDeP гоёларига содиқ инсонларгагина хос фазилат

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси туман кенгаши раиси Ботир Омоновнинг таъкидлашича, жамоатчилик орасида Тангир Мирзакаримов етакчилик қилаётган ташкилотнинг алоҳида ўрни бор.

■ Дониёр КАМОЛ, «XXI asr» муҳбири

Мавжуд 32 нафар ходимнинг 15 нафари O`zLiDeP аъзоси эканлиги ҳам бошланғич партия ташкилоти бу ерда катта маъна ва эътибор топанлигидан далолат беради.

— Партия ташкилоти тузилган дастлабки кезларда аъзоларимиз сони бор-йўғи беш нафардан иборат эди, - дейди Тангир Мирзакаримов. - Орадан бир ярим йил ўтиб, улар сони уч баробарга ортди. Бу O`zLiDeP аъзолари жамоа ҳаётига ижобий таъсир кўрсатаётганидан далолатдир.

Бошланғич ташкилот раиси ва фаоллари бугун қуруқ даъватлар билан эл назарига тушиш мумкин эмаслигини жуда яқши тушунадилар. Шу боис, жойларда сўз ва иш бирлигини таъминлаш, партия Дастури ва гоёларини амалиётга татбиқ этиш учун барча куч ҳамда имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Худуддаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, умумтаълим мактаблари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу эса турли ҳаётий тадбирларни амалга оширишда ўз самарасини бераёпти. Мана, бир мисол. Утган йил кунда Собир Раҳимов номли маҳалла аҳли билан учрашув чоғида фуқаро Турсунной Ҳамидова партия фаолларига мурожаат этиб, ўғлининг тўйи учун моддий ёрдам сўраган эди. Бошланғич партия ташкилоти ушбу савоб ишни ўз зиммасига олди. Мазмунли ўтказилган бу тантанани маҳалладагилар ҳали-ҳануз мамуният билан эслаб юришади. Шунингдек, Наврўз, Мустақиллик, Ҳайит байрамлари муносабати билан муҳтожларга доимий равишда ҳоимлик ёрдами кўрсатиб келинаёпти.

Ишлардан ҳеч қим четда қолмасин. Яқинда ўтказилган йиғилишларимиздан бирида Собир Раҳимов номли маҳаллани ободонлаштириш, худуддаги иккита кам таъминланган оилани оталиққа олиш тўғрисида қарор қабул қилдик. Бу хайрли ишларни охирига етказамиз, албатта.

Партия фаолларидан асосан бир нарсаси — фидойилик талаб этилади. Яъни, улар хизмат ва зифаларидан ташқари гоёвий сиёсий тадбирларга ҳам вақт ва имконият топа билишлари керак. Шу маънода 26 йилдан буюн ўз касбини ардоқлаб келаётган Тангир Мирзакаримовнинг жонқуярлиги ва ташкилотчилиги эътиборга лойиқ. У ҳар икки ва зифани кўнгилдагидек удаллаш учун куч-ғайратини аямаяпти.


Айни пайтда туманда 28 минг бош йирик қорамол, 18 мингдан ортиқ қўй ва эчки боқилмоқда. Аҳоли хонадонлари ва фермер ҳўжалиқларидаги чорва ҳайвонлари соғлиқни доимий назорат қилиш, турли касалликларга қарши профилактик тадбирларни ўз вақтида ўтказиш талаб этилади. Айниқса, мавжуд ширкат ҳўжалиқлари ўрнида кўплаб фермер ҳўжалиқлари ташкил этилган, туёқ сони ошиб бормоқда. Бу эса, ўз-ўзидан ветеринария бўлими ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Талаб ва эҳтиёждан келиб чиқилиб, туман худудида қўшимча 9 та зооветеринария шохобчаси ташкил этилди. Бу, бир томондан аҳоли учун кат-



Тангир Мирзакаримов, 1956 йилда Оққўрғон туманида туғилган. Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институтининг ветеринария факультетини тугатган. Айни пайтда давлат ветеринария назорати Оққўрғон тумани бўлими бошлиғи, бошланғич партия ташкилотининг раиси.

та қулайлик бўлса, иккинчи томондан ҳаёт ичига чуқурроқ кириб бориш, партиявий-сиёсий ишларни янада жонлантириш имконини бераёттир. Дарҳақиқат, шундай. Сиёсий уюшқоқлик партия гоёларига содиқ инсонларгагина хос бўлган фазилатдир. Уларнинг ғайрати ва ташаббускорлигидан ҳар қанча ўрнак олса арзийди.





акциядорлик — тижорат банки

«ПАХТАБАНК»

Серқуёш юртимизнинг барча аёлларини

8 МАРТ — Хотин-қизларнинг халқаро байрами билан муборакбод этади!

Азиз ҳамюртлар!

Акциядорлик тижорат «Пахтабанк» Сизларга янги, қулай ва манфаатли бўлган «Навбахор» муддатли омонатини тақдир қилади.

Ушбу омонатнинг сақлаш муддати 3 (уч) ой бўлиб, йиллик 36 фоиз

миқдорда даромад тўланади. Бошланғич бадап миқдори —

100 минг сўм. Ҳисобланган фоизлар омонатнинг сақлаш

муддати тугаганидан сўнг омонатнинг асосий суммаси

билан бирга тўланади. Шошилинг, омонатга маблағлар

жорий йилнинг 31 мартигача қабул қилинади!

Қўйилган маблағингиз Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг

банклардаги омонатларини кафолатлаш» фонди томонидан ҳам кафолатланган.

«Пахтабанк» фаровонлигингиз капитидир!



«NAMANGANVINO»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

жонажон юртимизда истиқомат қилаётган барча аёлларни ажойиб байрам — Хотин-қизларнинг халқаро кунин билан қизгин табриклайди.

Мунис онахонлар, азиз опа-сингиллар!

Бугунги қутлуғ айём тонготарида сизларга

муштаҳкам соғлиқ, қувноқ кайфият,

хонадонингизга файзу барака,

тўқис бахт-саодат тилаймиз.

Байрам руҳи ҳар бир аёлга умр бўйи

йўлдош бўлишига астойдил тилакдошмиз!



«ЎЗБЕККИТАМЧИРАНИЛИМСТАЛТИ» ЖАМОАСИ

юршимиз аёлларини 8 Март —
Хотин-қизларнинг халқаро байрами
билан ёни юракдан шайқлайди.
Кўзимиз нури, қалбимиз кўри
бўлмиш азиз аёллар!
байрам сизларга бир олам
кувонг олиб келсин.
Лабимиздан кунни, юзимиздан
шайқасим аримасин.
Бахшимизга ҳаммаша соғ-омон бўлинг.


ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ УЮШМАСИ

овод ва обод дийримизда
яшаб турган барча
аёлларимизни гўзаллик,
латофат ва нафосат
байрами — 8 март билан
қизгин қутлайди.
Азиз хотин-қизлар!
Ватанимиз, халқимиз
бахтига ҳаммаша
соғу саломат бўлинг.
Сизлар борсиз-ки,
бутун олам чароғон.
Ҳеч қачон юзингизда нам,
кўзингизда нам кўрмайлик.
Оиламиздан бугунгидек
байрамона кайфият,
шоду хуррамлик,
тинч-тотувлик аримасин!



РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

Азиз опа-сингиллар, лобар қизлар!
Сизларни баҳор нафаси кезиб юрган
мана шу шукўхли дамларда 8 Март —
Хотин-қизларнинг халқаро кўни билан
самимий муборакбод этамиз.
Сизларга сўхат-саломатлик,
оилавий бахт, юртимиз равнақи
йўлидаги фидокорона меҳнатингизда
омад тилаймиз. Доимо латофатли
ва гўзал бўлинг, яхши кайфият
сизларни ҳеч қачон тарк этмасин!



ЭРОН

Дунё урушдан манфаатдор эмас

ТАН ОЛИБ АЙТИШ КЕРАККИ, КУНДАН-КУНГА БОШШИ БЕРК КЎЧАГА КИРИБ БОРАЁТГАН ЭРОН ВА ҒАРБ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК БУТУН ДУНЁ АҲЛИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА ТУРИБДИ, ДЕСАК МУБОЛАҒА ҚИЛМАГАН БЎЛАМИЗ. ЯДРОВИЙ ДАСТУРДАН ВОЗ КЕЧМАСЛИК АҲДИДА ҚАТЪИЙ ТУРГАН РАСМИЙ ТЕҲРОН АҚШ ВА АЙРИМ ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИНИНГ ТАҲДИДЛАРИДАН ЧЎЧИМАСЛИГИ БОРАСИДА КЕТМА-КЕТ БАЁНОТЛАР БЕРМОҚДА. БУ ЭСА МИНТАҚАМИЗГА ЯҚИН ХУДУДДА ЯНГИ УРУШ САҲНАСИ ОЧИЛИШИГА САБАБ БЎЛИШИ МУМКИНЛИГИ ХУСУСИДАГИ ХАВОТИРЛАРНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРАЯПТИ

Шерзод ЭРАЛИЕВ

Эрон дастури тинч мақсадларни кўзлаганини, атом энергиясидан фақат электр энергияси олиш йўлида фойдаланишнинг таъкидлаётгани бўлса-да, АҚШ, Исроил ва Ғарбий Европа давлатлари уни ядро қуролига эга бўлишига уринишда айболомда. Шундай бўлса-да, айтиш пайтида томонлар ўзаро босим ўтказишни турли усулларидан самарали фойдаланишга, бир-бирларига ён бермасликка, оловга мой қуйишга ҳаракат қилмоқдалар. Айниқса, Вашингтон Эроннинг ядровий дастури масаласини Хавфсизлик Кенгашига олиб чиқишга, муаммони тинч дипломатик йўллар орқали ечиш учун тақлиф билан чиқарган Россия ташаббусларини бўғишга, уруш бошлаш йўлида иттифоқчилар сонини кўпайтириш учун юқори мартабали расмийлар хорижга сарқатнов бўлиб қолаётганини кузатувчилар бир овоздан таъкидламоқдалар. Айни пайтда Эрон ҳукумати ҳам қўл қовуштириб ўтирмапти. Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, Техрон АҚШ иқтисодиёти ва долларини чўктириш учун евро валютасида иш кўрадиган нефть биржасига асос солимоқчи. Техрон тайёрлаётган ҳалокатли қурол номи атом бомбаси эмас. Бу қурол учун бойитилган уран, ноконуний сотиб олинган центрифугалар, ерости корхоналари шарт бўлмайди. Унинг вайронакор имконияти ядровий портлаш оқибатларидан охирига қўйиш мумкин. Бироқ, ҳозир амалга ошириш босқичида турган лойиҳа номи Эрон нефть биржаси деб атамоқдалар. Шу ой оралиғида фаолиятини бошлаётган биржа "қора олтин" олдидан евро валютасида олиб бормоқчи.

Кузатувчиларнинг фикрича, бу АҚШ иқтисодиёти ва нефть билан шуғулланувчи трансмиллий корпорациялар фаолиятини тубдан издан чиқариши ҳеч гап эмас. Лойиҳа раҳбари Мухаммад Жавод Асемипурнинг таъкидлашига қараганда, Эрон нефть биржаси (ЭНБ) мамлакатни углеводород хом ашёси савдоларининг минтақадаги марказига айлантириши керак. Сабаби, жўроғий нуқтаи назардан Эрон қўлай стратегик нуқтада жойлашган: нефть ва газнинг муҳим истеъмолчилари бўлиши Хитой, Ҳиндистон ва Европа масофа жиҳатидан мамлакатга яқин. Иккинчидан, Эрон 130 миллиард кубметр микдордаги хом ашёга ёки жаҳон захираларининг 10 фоизига эгаллигини инобатга олсак, вазият янада ойдинлашади. Қолаверса, мамлакат ҳудудда 36 минг миллиард кубметр ҳажмдаги табиий газ захираларини яшириб ётган конлар мавжудлигини ҳам эътибордан қолдирмаслик зарур. Энергетик қурувлар, қайта ишловчи корхоналар, хом ашёни сақлаш омборлари ва терминналлар Эрон Ислам Республикаси ташқи кўринишини белгиловчи омиллардир. Энергетик сектор яқин миллий маҳсулотнинг 22,1 фоизини, экспортнинг 80 ва даромаднинг деярли 90 фоизини ташкил этади. Айни ҳолат ҳукуматга миллий иқтисодиёт ўсишини 6 фоиз даражасида сақлаб

туришга, савдо баланси салбосини яхшилашга, ташқи қарзни камайтиришга, валюта захираларини тўплашга, аҳолининг эса турмушини энгиллаштиришга имкон беради.

Соҳа мутахассислари таъкидлашларича, нефть савдосини еврода олиб бориш қарори бир томондан мантиққа зид келмайди. Чунки, "қора олтин" экспортининг учдан бир қисми Европа ҳиссасига, ўзаро товар айирбошлашнинг 45 фоизи еврозона мамлакатларига тўғри келади. Аммо, бу қадамнинг сиёсий оқибатларини тўғридан-тўғри Вашингтонга қарши иқтисодий уруш эълон қилиш билан тенглаштириш бўлади. Кўпчиликка маълумки, бугун асосий нефть савдолари Ғарбнинг энг йирик компаниялари томонидан назорат қилинадиган Лондондаги Халқаро нефть биржаси ва Нью-Йорк товар биржасида долларда амалга оширилади. Маълумки аксарият мамлакатлар марказий банклари бошқа мубоқил бўлмагани учун ўз захираларини Америка валютасида сақлашади. Бу эса, ўз навбатида АҚШ иқтисодиётининг мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилади. Агар еврода иш юритувчи янги биржа ташкил этилгудек бўлса, сармоячиларда бир баррель нефтни 60 доллар эвазига Лондон ва Нью-Йорк биржаларидан ёки 45-50 еврога Техрон биржасидан сотиб олиш имкони пайдо бўлади. Бу ташаббус Лотин Америкаси давлатлари, айниқса Венесуэладаги Уго Чавес ҳукумати, Форс кўрғазидagi баъзи йирик компаниялар, Россия ва Хитой томонидан қўллаб-қувватланаётганлигини айрим таҳлилчилар баён этмоқдалар. Агар долларнинг, гарчи секин-асталик билан бўлса-да, қадри сезиланши давом этверса, мубоқил биржа дунёнинг иқтисодий гигантига салбий таъсир кўрсатади.

ЭНБнинг ташкил этилиши эса, ҳозир халқаро майдонда мамлакатни яқкалатиб қўйишга қарши қаратилган жавоб ҳаракати ҳамдир. Лекин, у бошқа йирик сиёсий моҳирларга сабаб бўлиб қолиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Ўз навбатида Вашингтон бундай ҳаракатни хотиржам қабул қилиши қийин. Бу "ҳужум" санаоти ривожланган давлатлар валютасини заифлатиши, Ғарбдаги иқтисодий ўсишни сустайтириши ва ўта муҳим ҳисобланган энергетика соҳасида АҚШ устунлигига зарар етказиши мумкин.

Баъзи мутахассисларнинг фикрича, доллар ҳужуминингига қарши қаратилган "тажовуз" ва Техроннинг ядровий дастури Оқ уй ва Пентагондаги консерваторларни Эрон ядро объектларига превентив ҳужум (душманнинг биринчи бўлиб ҳужум қилишини олдини олиш учун олдиндан зарба) амалга ошириш баҳонасида уруш очишга ундаши мумкин.

Ёдингизда бўлса, 2000 йил сентябрийда Саддам Хусайн Ироқ бундан тўён нефтни долларда эмас, еврода сотишини маълум қилганди. Шарҳловчиларнинг таъкидлашларича, айнан шу қарор диктаторнинг тахдан ағдарилишига олиб келган. «Сабаби, доллар қийматининг қадриятини келтириб чиқаришга қаратилган



бундай кескин сиёсий қадам Ироққа ҳужум қилиш учун бир баҳона бўлганди», дейди хавфсизлик масалалари бўйича эксперт Уильям Кларк. Америка ҳарбийлари Бағдогда киришлари билан Ироқ нефти яна долларда савдога чиқадиган бўлди. Агар ЭНБ-да амалга ошириладиган савдолар ҳажми БМТга тегишли Ироқнинг "Нефть эвазига озик-овқат" дастурдаги 10 млрд. доллардан анча катта бўлишини ҳисобга оладиган бўлса, Вашингтоннинг Эронни халқаро қамалга олиш учун ҳар қандай усулдан қайтмаслиги аён бўлади.

Шу ўринда яна бир масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Умуман олганда, Вашингтоннинг Эронга нисбатан қўйишга вазиятини боши берк кўчадан олиб чиқолмайди. Афғонистон ва Ироқда ҳарбий операциялар олиб бораётган АҚШ учун бу осон эмас. Шунинг ҳам Пентагон ушбу компаниялар учун 300 млрд. долларга яқин маблағ сарфлаб улгурди. Бундан ташқари, Эрон уруши жаҳонда нефть нархларининг кескин ошишига ва АҚШ бюджетига дефицитнинг янада ўсишига олиб келади.

Ана шу масала хусусида сиёсатчи-лар, таҳлилчилар фикр юритиб, нима бўлганда ҳам Техронни ҳар қандай санкциялар қўриқига олмаслигини айтмоқдалар. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги агар Эрон масаласи БМТ Хавфсизлик Кенгашида кўриладиган бўлса, ХАЭА билан ҳамкорликни батамом тўхтатишини билдирганди. Айни пайтда, ахборот агентликларининг хабар беришича, Эрондаги вазият урушга тайёргарлик ҳолатини эслатади. Аҳолининг жанговар руҳини кучайтириш бўйича кенг миқёсда компания ўтказилмоқда. Махаллий ОАВ қуролли кучлар-

нинг душман ҳужумини бартафқ этишга қудрати етишини тақор-тақор аҳоли онгига сингдиришга уринапти. Маҳмуд Аҳмади Наход эса ўз чиқишларида ҳадемай "шайтонларни суд қилиш кунни келиши"га ишора қилапти.

Кўпчилик мутахассисларнинг фикрига қараганда, Техрон АҚШнинг ҳаво ҳужумини қайтара олмас-да, аммо жиддий жавоб чораларини кўра олади. Биринчидан, Эрон Ядро қуролли ташқармаслик тўғрисидаги битимни тарқ эътиб, очикчишига ядро қуролли ишлаб чиқариши қилиши мумкин. Иккинчидан, Исроил шахарларини нишонга олишга қодир ракеталари мавжуд. Учинчидан, Форс кўрғазидagi мамлакатлар нефти ташиладиган Хормуз бўғозини ёпиб қўйиш орқали жаҳон энергетика инқирозини келтириб чиқариши мумкин. Бундан ташқари, АҚШнинг уруш очиши БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ҳеч бўлмаганда икки (Россия ва Хитой) азоси томонидан кескин танқидга учрайди. Шу билан бирга, Эрон ва бошқа мусулмон мамлакатлари ўртасидаги келишмовчиликларга қарамай, минтақада аксиламе-рика кайфиятлари янада кескин охиб кетади.


Демак, уруш бугун ҳеч қайси бир томонга фойда келтирмайди. Аксинча, беғуноҳ инсонларнинг қони тўкилишига, жаҳон иқтисодининг таназзулига, экологиянинг янада бузилишига олиб келади. Шундай экан, бугун соғлом кучлар юзага келган мураккаб вазиятдан чиқишнинг оқилона йўллари излашлари даркор. Бу эса Техрон масаласида қудратли Россия тутаётган йўлнинг тўғри эканини яна бир бор исботлагандек бўлади.

БРИТАНИЯ

Мамлакатда учинчи сиёсий куч ҳисобланган Британия Либерал-демократик партияси ўзининг янги раҳбарини сайлади. Бу лавозимга сэр Мингис Кэмпбелл муносиб кўрилди.

Собиқ югурувчининг партиядаги муваффақияти

Либерал демократларнинг собиқ етакчиси Чарльз Кеннеди алкоғолизмдан даволанганини тан олганидан кейин истеъфога чиқишга мажбур бўлган эди.



Сайлов компанияси беш ҳафта давом этди. Пировардида, партияда ташқи сиёсат масалалари учун жавоб берадиган сэр Мингис галаба қозонди. Унинг рақиби — партия раиси Саймон Хьюс учинчи ўринни олди. Иқтисодий масалалар бўйича либерал-демократлар вакили Крис Хьюн иккинчи позицияда қолди.

64 яшар Кэмпбеллни ёқлаб, партиядошларнинг 57 фоизи овоз бердилар. Мингиснинг ўзи эришган муваффақиятини "барча либерал-демократларнинг галабаси" деб атади. У ҳукумат коалициясини ташкил этиш имкониятларини ўрганиб чиқишга ваъда берди. Кэмпбеллнинг сўзларига қараганда, у партияни модернизациялаш ва "уч партиявийлик тизимини реал воқеалikka айлантириш" ниятидадир. Мингис, шунингдек, адолат, эркинлик ва экологияни ҳимоя қилиш учун кураш олиб боришга ваъда берди.

Таъкидлаб ўтиш керакки, Мингис Кэмпбелл бир вақтлар Буюк Британиядаги энг тез югурувчи спортчи, спринтерча чопиш бўйича чемпион, олимпия терма жамоасининг аъзоси бўлган эди. Бироқ, сиёсатда уни марафончи деб аташ мумкин.

20 йил муқаддам эдинбурглик юрист Мингис Кэмпбелл илк маротаба парламентга сайланган.

Уни ҳамisha "исталган партиянинг содаги ташқи ишлар вазири" деб аташарди. Бироқ Лондон Ироққа қўшинлар юборганида, у ҳукуматни ашаддий равишда танқид қилувчилардан бирига айланди.

ИСРОИЛ

Исроил ҳарбий техникаси — Хитойга

Исроил мудофаа вазирлиги бир қанча компанияларга Хитойга ҳарбий ускуналарни экспорт қилишга рухсат берди, дейилади AFP тарқатган хабарда. Бу ҳақда ҳарбий маҳкаманинг номини пинҳон тутган вакили ахборот агентлигига берган интервьюсида маълум қилди.

АҚШ Исроилга нисбатан иқтисодий санкцияларни бекор қилганидан кейин неча ой ўтгач, ана шундай қарорга келинди. Уша санкциялар ХХҒга ҳарбий технологияларнинг етказиб берилишига жавобан жорий этилган эди.

Ўз навбатида Исроил Хитойга қуроллар етказиб бериш юзасидан тузилган бир неча шартномани тўхтатганидан кейин таъкидлашлар охиб ташланди. Жумладан, гап учувчисиз бошқариладиган самолётларни сотиш ҳақида бораётганди.

Бинобарин, Мудофаа вазирлигининг бош директори Яков Торен Исроил матбуотида берган интервьюсида Хитойга ҳарбий технологияларни экспорт қилишга оид кўнгина рухсатномалар АҚШ билан келишилганлигини айтди.


Унинг сўзларига қараганда, ҳар бир битим вазирликда яқка тартибда қўриб чиқилади. Тўғри, деб таъкидлади у, шартномаларнинг ҳаммаси ҳам Қўшма Штатлар вакиллари билан келишиб олинавермайди. "Бу ўз манфаатларини ҳурмат қиладиган иккита суверен давлат ҳисобланади", деб таъкидлади у.

Илгари хабар қилинганидек, АҚШ босими остида Исроил ўз мудофаа вазирлигини ислоҳ қилишга мажбур бўлган эди. Ислохотлар натижасида вазирликда бир қанча бўлимларнинг мақоми ўзгаради. Ҳарбий экспортни қўллаб-қувватлаш бўлими ҳам улар қаторига қиради.

Ҳарбий маҳкамда қуролларни экспорт қилиш бўйича кенгаш тузилади. Унга Ташқи ишлар вазирлиги вакиллари ҳам қиради.

Хитойга қуроллар етказиб берилаётгани ҳақида Америка разведкаси 2002 йилда хабар топган эди. Ушанда америкаликлар Хитой Исроилда ишлаб чиқарилган учувчисиз бошқариладиган Phalcon ва Harp самолётларидан фойдаланаётганини аниқлашганди. Ана шундан кейин бошланган моҳоро натижасида Америка-Исроил муносабатлари кескин даражада ёмонлашиб кетди. Вашингтон F-35 қирувчи самолётининг бешинчи авлодини яратиш дастуридан Тель-Авивни чиқариб ташлаган, шунингдек, бир қатор санкцияларни жорий этган эди. Жумладан, ҳарбий ҳаво ҳужумига қарши тактик лазер қурилмаси лойиҳаси доирасидаги ҳамкорликни тўхтатиб қўйганди.

Кейинчалик Исроил Хитой билан тузилган бир неча шартномадан воз кечди. Ўтказилган қатор музокаралардан сўнг АҚШ санкцияларнинг бир қисмини бекор қилди. Жумладан, Исроил компанияларининг F-35 дастуридаги иштироки ҳам тикланди.



ТАФИЛОТЛАР

ВОҚЕАЛАР,

ХАБАРЛАР,

КАВКАЗ

Тоғли Қорабоғнинг мақоми қандай бўлади?

Айни пайтда Озарбайжон билан давом этаётган музокаралар, мабодо, боши берк кўчага кириб қолгудек бўлса, Арманистон Тоғли Қорабоғнинг мустақиллигини тан олади.

Арманистон Президенти Роберт Кочарян 2 март куни мамлакат телевидениесининг биринчи каналига берган интервьюсида шундай баёнот берди.

Дилфуза МУҲАММЕДОВА

Арманистон президентининг журналистларга берган маълумотига қараганда, ҳозир "му-

зокаралар давом этмоқда ҳамда муваффақиятга эришиш учун ҳали имконият бор". Айни пайтда у "Арманистон ҳар қандай сценарийга тайёр туриши

лозимлиги"ни ҳам таъкидлаб ўтди ва музокаралар барбод бўлган тақдирда Ереван томонидан қўриладиган чораларни санаб берди. "Биринчи қадам Тоғли Қорабоғ Республикаси мақомини тан олишдан иборат бўлади. Иккинчи қадам ТКР халқи хавфсизлигини таъминлаш учун Арманистоннинг жавобгарлиги ҳуқуқий талқини бўлиши керак. Бундай талқинда Тоғли Қорабоғқа нисбатан таҳдид Арманистонга қаратилган таҳдидни англаувчи бир

қатор шартномалар имзоланишида ўз ифодасини топади. Учинчи қадам бугунги кунда Тоғли Қорабоғ атрофида қарор топган хавфсизлик ҳудудини комплекс тарзда мустаҳкамлашга қаратилади", — деди Роберт Кочарян.

Шунингдек, президент Арманистон ва Тоғли Қорабоғ ўртасида мудофаа соҳасида интеграция жараёнларини фаоллаштириш зарурлигини таъкидлади, деб хабар беради "Новости" РИА.

ХОЛИС ФИКР

ЗИДДИЯТ

ФУТБОЛ

Кучлилар баҳси бошланди

Бугун қитъамизнинг бир неча шахрида футбол бўйича Осиё Чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг дастлабки тур учрашувлари бўлиб ўтади



Жанубий Кореянинг "Сеонгам Чунма" тўсиғидан ўта олмагандилар. Уйлаймизки, янги мураббий Валерий Непомняший кўл остидаги "пахтакор"чилар бу йил клубнинг 50 йиллик юбилейига муносиб совға тақдим қиладилар. Эътиборли томони шундаки, 6 карра мамлакат чемпиони ва 7 карра Сурия кубоги эгаси "Ал Иттиҳод" ҳам 3 йил аввал, яъни 2003 худди "Пахтакор" сингари 50 йиллик тўйини тантана қилган эди.

Чемпионлар лигасида дебютларини нишонлайдиган муборакликларга тўхталадиган бўлсак, уларга қийин кечади. Сабаби — "пахтакор"чилардан фаркли ўларок, "Машъал" биринчи учрашувни қўллаб-қувватлайдиган куч — фидойи муҳлисисиз ўтказди. Эсла-тиб ўтиш жоиз: Ироқда ҳукм сураётган нотинч вазият сабабли "Ал Минаа" билан мазкур учрашув бетараф ҳудуд — Кувайт пойтахти — Ал Кувайт шахрида бўлиб ўтади.

Жамоаларимиз иштирокидаги учрашувлар, юқорида айтиб ўтганимиздек, бугун Тошкентдаги "Пахтакор" ва Ал Кувайтдаги "Сабоҳ Ал Салом" стадионларида тегишли равишда Тошкент вақти билан соат 16.30да ва 18.00 да бошланади.

Мазкур нуфузли мусобақада мамлакатимиз шарафини ўтган йилги Ўзбекистон чемпиони ўтаган биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган — Тошкентнинг "Пахтакор" ва Муборакнинг "Машъал" жамоалари ҳимоя қилади. Пойтахтликлар ўз майдонида Суриянинг "Ал Иттиҳод" клубини қабул қилишса, "газчи"лар Ироқнинг "Ал Минаа" жамоаси меҳмони бўлишади.

Шухрат ХУҲАЕВ

БАДИЙ ГИМНАСТИКА

Бадий гимнастика бўйича Москвада ўтказилган "Baby cup" аънавий халқаро турнирида иштирок этган 7 яшар спортчимиз Имон Азизова ўз йўналиши бўйича голиблик шохсупасининг биринчи поғонасини эгаллади.

«Товус» муаллифи — голиб



Асосан МДХ давлатларидан ташриф буюрган қатнашчилар спорт мажмуасига йиғилган томошабинлар ва ҳайъат аъзоларига 30 дан ортиқ кўргазмали чиқишларни намойиш этишди. Шулар қаторида гиламга чиққан ҳамюртимиз, мусобақанинг энг ёш иштирокчиларидан бири — И.Азизованинг "Товус" деб номланган дастури биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Шу ўринда мутахассис Анэла Малкина кўл остида машғулотлар олиб бораётган Имонои фахрли ўридан ташқари, "Энг чиروي либос" учун бериладиган махсус совринга сазовор бўлганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

«ПАХТА БАНК»
ФАРОВОНЛИГИНИНГ КАЛИТИДИР!

ЮНОН-РУМ КУРАШИ

Биринчи босқичда иккита мукофот

Туркиянинг Измир шахрида юнон-рум кураши бўйича ўтказилган Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнирда қатнашган ўзбекистонлик спортчилар рақибларига нисбатан муносиб қаршилик кўрсатишди.

Жаҳон кубогининг биринчи босқичи ҳисобланган мазкур мусобақада иштирок этган Рустам Кудратов мураббийлигидаги терма жамоамиз аъзоларининг икки нафари ўз вазн тоифаларида мукофот билан тақдирланган кучли "саккизлик"дан жой олишга муваффақ бўлди. Жумладан, 96 кг. вазн тоифасида ҳаракат қилган йигирма яшар спортчимиз Абдумалик Алиев бронза медал учун ўтказилган баҳсда туркиялик курашчига имкониятни бой берган бўлса-да, бешинчи ўринни эгаллаган ҳолда 1 000 АҚШ доллари миқдоридан мукофотланди.

Яна бир йигитимиз — Дил-

шод Орипов (60 кг.) эса турнирдаги тўртинчи — кубалик курашчига қарши учрашувида тиззасидан оғир жароҳат олиб, афсуски, мусобақани муддатидан олдин тарқ этишга мажбур бўлди. Еттинчи ўринни эгаллаган Дилшод 750 доллар билан "сийланди".

Жаҳон кубогининг иккинчи қисми 18-20 март кунлари Болгарияда, учинчи, яъни финал босқичи Озарбайжон пойтахти — Боку шахрида бўлиб ўтади. Умид қиламизки, ушбу турнирда мукофотлар олиш билан кифояланган курашчиларимиз кейинги мусобақалардан медалсиз қайтмайдилар.

ШАХМАТ

Крамник Deep Fritzга қарши

Россиялик машҳур гроссмейстер компьютерга қарши бошлаган "юриш"ини давом эттирмоқда

Дунёга нафақат ўткир зеҳни ва ақл-заковати, балки салкам икки метрли бўйи билан маълуму машҳур бўлган таниқли рус шахматчиси Владимир Крамник шу йилнинг 25 ноябридан 5 декабригача германиялик муҳандислар томонидан ишлаб чиқилган Deep Fritz компьютер дастурига қарши дона суради, деб хабар беради ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги.

Маълум бўлишича, 6 партиядан иборат навбатдаги матч Бонн шахридаги Германия тасвирий санъати кўргазмалар залида бўлиб ўтади. Эътиборли томони шундаки, Крамник голиб чиқса, 1 миллион АҚШ долларини қўлга киритади. Мутахассисларнинг фикрича, гарчи дастур пухта ишлаб чиқилган бўлса-да, инсон машинадан устун эканини исботлайди. Zero, компьютер ва Крамник ўртасида ўтказилган бундан аввалги матчда россиялик шахматчининг кўли банд келганди.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

КЎЙ. Режалаштирган ишларининг деярли ҳаммасини шу ҳафтадаёқ бажариб бўлганлари сабабли, меҳнатсевар кўй буржи вакиллари келаси ҳафта зерикиб қолишлари мумкин. Улар обрўни сақлаб қоламан, десалар, пайшанба кунини ноҳус янгиликни илоҳи борича ортиқча ғала-ғовурсиз қабул қилишлари лозим.

БУЗОҚ. Ҳафта бошида ҳамкорларингиздан бири ўзаро келишувни кўпол равишда бузиб, кайфиятингизни тушириб юборади. Шунга қарамай, ҳафтанинг иккинчи ярмида даб-дурустдан тақдим этилган тақдир совғалари мазкур кўнгилсиз воқеанинг мутлақо унутилишига сабабчи бўлади.

ЭГИЗАКЛАР. Ойнинг 13-санасига тўғри келаётган душанба чиндан ҳам оғир ўтиши кутилмоқда. Ҳафтанинг қолган кунлари қандай ишга қўл урманг, барчаси хамирдан қил суғургандек осонликча битади. Жума кунини таваққал қилиб ўйналадиган уйларда омад кулиб боқиши мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА. Анчадан бери қийнаб келаётган, соғлигингиз билан боғлиқ муаммоларга, ниҳоят, чек қўйишга эришасиз. Бирданига икки-учта даромад манбаидан олган фойдангизни авваламбор озиқ-овқат, кейин эса кийим-кечак харид қилиш учун сарфланг.

АРСЛОН. Янги ҳафтада "арслон"ларнинг ови бароридан келмасан-да, улар ўз айбларини англашга ва бундай хатога кейинчалик йўл қўймайлик муваффақ бўладилар. Муҳим тадбирлар учрашувларни келаси ҳафтага белгиланганингиз маъқул.

ПАЗИЗОД. Гарчи ҳафта "пазизод"лар учун кўнгилсиз воқеа билан бошланса-да, пайшанба кунини буржнинг савдо-сотик ишлари билан шуғулланадиган вакилларининг "куни туғиши" кутилмоқда. Серкатнов автомобиль йўларида янада эҳтиёткорлик бўлганингиз маъқул.

ТАРОЗИ. Қинда тумовдан тузалган "тарози"лар ўз соғлиқларига нисбатан эътиборлироқ бўлишлари лозим. Акс ҳолда қайталаб, грипга дучор бўлишлари ҳеч гап эмас. Бунинг олдини олиш учун улардан исирик, лимон ва витаминли салатларни истеъмол қилиш талаб этилади, холос. Шундангина ақшабда кунини мўлжаллаган кичик саёҳатингиз ижобий яқунлиши мумкин.

ЧАЁН. "Чаён"лар яқиндагина яқунланган, аммо маълум сабабларга кўра яроқсиз ҳолатга келтирилган (масалан, ёндириб ташланган) лойиҳаларини бошидан ишлаб чиқишга мажбур бўладилар. Эътиборли томони шундаки, эринмасдан қайта тикланган "ижод маҳсули" аввалгисидан минг чандон яхши бўлиб чиқади.


ЎҚОТАР. Рақобатчилардан бири сиз томон тўхмат тошини ёғдиришга ҳаракат қилади. Аммо кўп ўтмай, ўз хатосини англаб, аксинча, сизнинг ишончли ҳамкорингизга айланади. Яқшабба кунини эса ҳаётингизда умрбод эсда қоладиган яхши воқеа содир бўлиши кутилмоқда.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Сешанба ёки чоршанбада нотаниш жойларга бир ўзингиз бора кўрманг. Акс ҳолда емаган сомсангизга пул тўла-тадиган фирибгарлар қўлига тушиб қолишингиз мумкин. Фарзандларингиз тарбиясига аҳамият беринг. Ҳар қалай, жигарбандларингиз кимлар билан дўстлашиб юрганидан бохабар бўлганингиз маъқул.

КОВҒА. Кейинги ҳафтадаги омад "марафон"ида "қовға"лар, қийинчилик билан бўлса-да, яқшабба кунини марра чизганин биринчи бўлиб босиб ўтишга эришадилар. Таълим соҳасида меҳнат қиладиган ва ёзув-чизув билан шуғулланадиган бурж вакиллари чет элдаги яқинларини жалб этиб, катта лойиҳаларга қўл уришлари кутилмоқда.

БАЛИҚ. Ҳаётингизда катта ўзгаришлар рўй берадиган вақт келди. Ушбу янгиликлар ижобий тус олишини истасангиз, турмуш тарзингиздаги пала-партишликка чек қўйинг. Аниқ мақсадли режалар тузиб чиқинг. Ана шундангина яқин-яқинда ҳам сизга ачинади юрган танишларингиз кўнгилларини фахрлини туйғуларига эгаллайди.

КИТОБХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!



Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Тоҳир МАЛИКнинг янги асари —
«ҚОРА ФАРИШТА»
босмадан чиқди.

Китоб савдоси билан шуғулланувчилар учун телефонлар:
132-14-47, 107-74-89, 130-82-72, 330-31-81

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлиси Қонунийлик палатасидаги фракцияси Сиёсий Кенгаши аъзоси Исом Норовга палари бузруквори Имом отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти ва «ASR ekspress-media» ноширлик уйи жамоалари реклама директори Шухрат Охунжоновга акаси Иброҳим Охунжоновнинг фожеали вафот этиши муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЖАМОАТИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Муҳаммадюсуф ТЕШАБОВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ

Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адхам ШАДМАНОВ
Ақром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилхон ЙЎЛДОШЕВ
Аъзамжон РАҲМАНОВ
Абдуваҳод ИМОМАЛИЕВ
Бахтиёр ЕҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илхом НАСРИЕВ
Мансур ЗОКИРОВ
Муҳлисина АҚРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Раҳмон ҚУЧҚОР
Суннатулла УМАРОВ
Сирожиддин САЙИД
Шухрат НОРГИТОВ
Шухрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилхон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ

Абдували СОИБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф УЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темир АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улуғбек ЮСУПОВ
Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин
МАМАТРАИМОВ
Шаҳзод НАЗАРОВ
Шухрат ОХУНЖОНОВ

МАТН ТЕРУВИЧЛАР

Нигора ЖУРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР

ПАРТИЯ ТУРМУШИ
55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИҚОРЛИК
ФАОЛИЯТИ
55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА
ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ
132-25-15
АХБОРОТ ВА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ
55-70-16
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА
САҲНАТ
55-68-50
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР
ВА ТАҲЛИЛ
55-70-16

Навбатчилар:
Т. АБДУРАҲМОНОВ,
Ш. ХУҲАЕВ.

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буёқ Турон» кўчаси, 41.
Буғуртма рақами: Г-567
Тираж: 12268

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

XXI ASR ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент, «Нур» кўчаси,
73-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborotXXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz

«XXI ASR»-дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқлиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ:
406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ.



БИЗНЕС
ҲАМКОРЛАРИМИЗ

«ASR»

ЕКСПРЕСС-МЕДИА

НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ

Тел: (998-71) 151-29-52.

E-mail: milapress@yahoo.com

ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ

Baby cup-2006

РЕКЛАМАЛАР

Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kim oshdi savdolari» агентлиги — яқин бизнес ҳамкорингиз!

Ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг худудий филиаллари ҳамда «Kim oshdi savdolari» агентлиги Сизнинг турли кўчмас мулклар, МЧЖ лардаги давлат улушлари, уй-жой қуриш, савдо ва машиналарнинг объектлари қуриш учун ер майдонларини сотиб олишда яқин ҳамкорингиздир.

«КЎЧМАС МУЛК-КЕТМАС ДАВЛАТ»

Маъмурий: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Мураббобов кўчаси, 1-А-уй
Телефонлар: 130-13-28, 399-80-26
Факс: 130-22-26
www.kmb.uz

Моя мечта

FEFB Oltin medali Geneva 2005

«TOSHKENT YOG-MOY KOMBINATI» OAJQK

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61; Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz; E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz

MULKDORGA HAMKOR